

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.FIL.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САРИЕВ САНЪАТЖОН МАТЧОНБОВЕВИЧ

**“ГЎРЎҒЛИ” ТУРКУМИ ДОСТОНЛАРИНИНГ ОҒЗАКИ ВА ҚЎЛЁЗМА
НУСХАЛАРИНИ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ**

**10.00.08 – Фольклоршунослик
(филология фанлари)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора филологических наук (DSc)

Content of Dissertation Abstract of Doctor of Philological Science (DSc)

Сариев Санъатжон Матчонбоевич

“Тўрўғли” туркуми дostonларининг оғзаки ва қўлёзма нусхаларини қиёсий ўрганиш3

Сариев Санъатжон Матчонбоевич

Сравнительный анализ устных и рукописных вариантов дастанов “Гороглы” 37

Sariev Sanatjon Matchonboevicv

Comparative analysis of the oral and manuscript versions of the dastan “Gorogly”71

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ76

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.FIL.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САРИЕВ САНЪАТЖОН МАТЧОНБОВЕВИЧ

**“ГЎРЎҒЛИ” ТУРКУМИ ДОСТОНЛАРИНИНГ ОҒЗАКИ ВА ҚЎЛЁЗМА
НУСХАЛАРИНИ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ**

**10.00.08 – Фольклоршунослик
(филология фанлари)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Fil9 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tai.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Жўраев Маматқул

филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Турдимов Шомирза Ғаниевич

филология фанлари доктори

Раҳмонов Насимхон Асқарович

филология фанлари доктори, профессор

Хошаниязов Жалғасбай Хошаниязович

филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги DSc.30.08.2018.Fil.46.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail: uztafi@academy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (Манзил: 700100, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2019 йил «_____» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Т.Мирзаев

Илмий даражалар берувчи

Илмий кенгаш раиси,

филол.ф.д., академик

Л.А.Худайкулова

Илмий даражалар берувчи

Илмий кенгаш илмий котиби,

филол.ф.н.

Ш.Г.Турдимов

Илмий даражалар берувчи

Илмий кенгаш қошидаги

илмий семинар раиси, филол.ф.д.

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги замон жаҳон фольклоршунослигида эпик сюжетлар генезиси ва бадиий эволюциясини ёритиш, халқ дostonлари тараққиётининг архаик, классик ва постклассик даврини тадқиқ этишга, айниқса, миллий эпосларнинг шаклланиши ва ривожланиш тарихини реконструкция қилиш методологиясини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада эпос тараққиётининг турли даврларга хос типологик хусусиятларини ўзида ифода этган янги манбалари аниқланди. Эпос тараққиётининг архаик қатламига хос фольклор ёдгорликларини жаҳон халқлари бадиий тафаккури контекстида қиёсий тадқиқ қилиш асосида қаҳрамонлик ва романик дostonларнинг шаклланиши қадимий баҳодирлик қўшиқларига бориб тақалиши исботланди.

Дунё фольклоршунослигининг бугунги тараққиётини белгилайдиган устувор илмий концепциялар асосида жаҳон адабиётидаги қадимий сюжетларнинг “фольклорлашуви” жараёнига хос қонуниятлар очилди. Жумладан, қадимги инглиз ва ирланд эпоси, ҳинд мифологияси, герман қаҳрамонлик эпоси, мўғул архаик эпик анъанасига оид тадқиқотлар юзага келди. Бу эса халқ эпосининг турли даврлардаги тараққиёти ва ривожланиш тенденцияларини муайян эпик сюжетларнинг оғзаки вариантлари билан ёзма манбалар ҳолида сақланиб қолган бадиий талқинлари мисолида қиёсий-типологик аспектда ўрганишдан иборат янги йўналишга асос солди.

Ўзбек фольклоршунослигида мустақиллик даврида туркий, шу жумладан, ўзбек халқ дostonчилигининг мухташам дурдонаси бўлиш “Гўрўғли” эпосининг оғзаки ва ёзма вариантларини қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ этиб, воқеликни бадиий ифода қилишнинг аутентик ва ёзма шаклларига хос назарий қарашлар янада такомил топди. Миллий, маданий, адабий, тарихий ва диний қадриятларимизнинг тикланиши айниқса, маънавиятимиз пойдевори бўлиш халқ оғзаки ижоди намуналарини миллий истиқлол ғояси талаблари асосида том маънода янгидан ўрганиш тамойилларига асос солди. “Қар қайси халқнинг азалий тарихи ва маданияти, энг аввало, унинг оғзаки ижоди – фольклор санъатида, дoston ва эпосларида мужассам топган бўлиб, улар миллатнинг ўзлигини англаш, унинг ўзига хос миллий қадриятлари ва анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришда бебаҳо манба ҳисобланади”¹. Бинобарин, мардлик, жасорат, ватанпарварлик ғояларини тараннум этиб келган “Гўрўғли” дostonининг туркий халқлар орасида мавжуд қўлёзма ва тошбосма нусхаларини оғзаки вариантлар билан қиёсий аспектда тадқиқ этиш халқимиз бадиий тафаккурининг ўзига хослигини кўрсатишга ҳамда ёш авлод маънавий камолотини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 17

¹Mirziyoyev SH.M. O`zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan 2018 yil 1 noyabrda imzolangan “Xalqaro baxshichilik san’ati festivalini o`tkazish to`g`risida”gi qaror. – Toshkent, 2018 yil, 1 noyabr.

февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги, 2019 йил 14 майдаги 4320-сон “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги VMQ №222-сон “2010–2020 йилларда Номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2018 йил 24 апрелдаги 304-сон “Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг 1. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Дунё халқларининг қаҳрамонлик ва романик эпослари генезиси ва поэтикаси, эпик сюжетларнинг шаклланиш тарихи, манбалари ва бадиий эволюцияси, эпоснинг ёзма манбалардаги талқинлари ва дostonчилик анъаналарининг поэтик тафаккур тараққиётида тутган ўрнини аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар борасида жаҳоннинг етакчи университетлари ва илмий марказларида, жумладан: University of Harvard (АҚШ), University of British Columbia (Канада), Academy of Korean Studies Grant (Корея Республикаси), Ege Universitesi (Туркия), Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети, Жаҳон адабиёти институти, Воронеж давлат университети, Қозон давлат университети (РФ); Vilniaus Universitetas (Lithuania), Київський національний університет (Украина), Baki Dövlət universiteti, Azərbaycan Milli Elmlər Akademiyası Folklor Institutı (Озарбайжон), Еуразия ұлттық университети (Қозоғистон), Кыргыз улуттук университети (Қирғизистон) ва ЎзР ФА Ўзбек

¹Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий адабиётлар шарҳи: <https://www.harvard.edu>; <https://www.columbia.edu>; <https://www.publishersweekly.com>. <https://www.publishersweekly.com/pw/bytopic/industrynews/tipheet/article> <https://warwick.ac.uk/fac/arts/english/currentstudents/undergraduate/modules/f ulllist/special/> <https://cyberleninka.ru/article/n/problemny-razvitiya-i> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

тили, адабиёти ва фольклори институти, Урганч давлат университети (Ўзбекистон)да йирик илмий натижаларга эришилган.

Жаҳон фольклоршунослигида романик эпос сюжетининг генетик асослари ва манбаларини палеофольклористик йўналишда ўрганишга доир янги илмий натижаларга эришилган, жумладан, туркий халқлар қаҳрамонлик эпосининг шаклланиш манбалари аниқланган (University of Bonn, Deutschland); ёзма манбалар орқали сақланиб қолган қадимги инглиз эпоси ва ирланд сагаларининг жаҳон халқлари эпоси шаклланишидаги ўрни белгиланган, мифологик тасаввурларнинг архаик, ўрта аср мифологияси ва неомифологизм босқичларидан иборатлиги далилланган (University of Harvard, USA); илмий қиёслаш, тарихий-генетик ва типологик усуллари қўллаш натижасида Марказий Осиё халқлари фольклоридаги эпик сюжетларнинг трансформацияланиш ва диффузияланиш хусусиятлари очиб берилган (University of British Columbia, USA); халқ ижодиёти генезиси ва типологиясининг Марказий Осиё халқлари бадий тафаккури ривожига таъсири кўрсатилган (University of Oxford, USA); қадимги хитой мифологик эпосининг ёзма манбалари аниқланган (University of Peking, Beijing); ўзбек ва корейс қаҳрамонлик эпосининг типологик хусусиятлари ойдинлаштирилган (Academy of Korean Studies Grant, Корея Республикаси); эпос лингвопоэтикаси, таснифи, бадий структураси ва палеофольклористик моҳияти очиб берилган (Еуразия ўлттық университети, Қозоғистон; Baki Dovlet Universiteti, Озарбайжон; Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети, Воронеж давлат университети, Қозон давлат университети, Россия); дostonчилик анъаналари генезиси, эпос ва этнос масалалари асосланган (ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Ўзбекистон).

Дунё фольклористикасида “Тўрўғли” дostonларини ўрганиш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: “Тўрўғли” туркуми дostonлари ва эпос қўлёзмаларининг шаклланиш тарихини ёритиб бериш; дostonчилик тараққиётида бахшилар импровизацияси ва қиссахонлик анъанасининг ролини белгилаб бериш; эпос генезисини ўрганиш орқали эпик сюжетлар тизимининг шаклланиши ва такомил босқичларини аниқлаш; эпос сюжетларининг бадий эволюциясини ёритиш; туркий халқлар архаик мифологиясининг эпик тафаккур тарихида тутган ўрнини белгилаш; версия ва вариантларнинг шаклланишига адабий алоқалар таъсирини асослаш; дoston қўлёзмаларининг бадий хусусиятларини кўрсатиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. “Тўрўғли” туркуми дostonларининг ёзувга кўчирилиб, китобат қилиниши XVIII аср бошларидан бошланган. XIX асрдан бошлаб эса Э.Мушегян, Андалиб Қоражадоғи, Ф.А.Бакулин, И.Н.Березин, И.Беляев, Н.Броно, А.А.Волоцин, А.А.Ходзько, И.Шопен туркий халқлар эпоси, жумладан, “Тўрўғли” дostonи парчаларини тўплаш, нашр қилиш ва ўрганиш ишлари билан шуғулланишган. Эпоснинг дастлабки нашри XIX асрнинг 30-йилларида амалга оширилган бўлиб, ушбу

нашрда эпоснинг кичикроқ эпизодлари берилган¹. 1840 йилда И.Шопен, 1842 йилда А.Ходзько томонидан дастлабки мукаммал нашр амалга оширилган². Польяк шарқшуноси, шоир ва таржимон А.Ходзько “Гўрўғли”нинг қўлёзмасини топган ва уни инглиз тилига таржима қилиб, 1842 йилда Лондонда чоп эттирган³. 1853 йилда Жорж Санд “Гўрўғли” эпосининг шаклланиши ва қаҳрамоннинг саргузаштлари” номли китобни француз тилида бостирган⁴. 1856 йилда А.Ходзько чоп этган намунани С.С.Пенн рус тилига таржима қилиб чоп эттирган⁵.

XIX аср ўрталаридан бошлаб Тифлиснинг рус тилидаги тезкор нашрларида Гўрўғли шахсини улуғлаган мақолалар кенг ўрин ола бошлади⁶. Таниқли олим И.Н.Березин “Кўрўғли” туркумидан кўшиқларни ёзиб олиб, ўзи тайёрлаган хрестоматияга киритган⁷. Академик В.В.Радлов томонидан нашр қилинган кўп томликда “Кўрўғли” туркумининг турк тилидаги нусхаси нашр этилган⁸. Эпоснинг турк версияси Наили Боратов, Аҳмад Ўздемир, Метин Экичи, Фикрет Туркман каби олимлар томонидан ўрганилган⁹. “Гўрўғли” достони Бокуда 1920 йилларда Ризо Закий томонидан нашр қилинган. Мазкур нашрда дoston асосан насрда берилган бўлиб, шеърий матнлар ҳам учрайди¹⁰. Шунингдек, озарбайжон “Гўрўғли” дostonларини ёзиб олиш, тартиб бериш ва нашр этишда Вали Хулуфлу¹¹, Қиммат Ализода¹² ва Алиҳайдар Таҳировларнинг хизматлари каттадир.

Эпоснинг биринчи озарбайжон наشري араб алифбосида бўлиб, кейинчалик нашр ишлари лотин алифбосида давом эттирилган. Дostonнинг битта шаҳобчасини ёзиб олиб китобхонларга тақдим қилган Боку педагогика билим юрти битирувчиси Муҳаммад Юсуфзода Кўзаев бўлди. Шундай кейин дoston дастлаб асосий бўлимларининг, кейинчалик эса айрим бўлимларининг рус тилида нашр қилиниши ушбу мероснинг кенг кўламда тарқалишига сабаб

¹Древня Огруджа, Замок разбойника Урушана Кер-оглы, его история. Рассказ об Ериванском сардаре // Тифлиские ведомости. – Тифлис, 1830. – №68.

²Шопен И. Короглу. Тартарская легенда // Маяк современного просвещения и образованности. I-II. – Спб., 1840. – С.12–25.

³Chodzko A. Specimens of the popular, poetry of Persia found in the adventures and improvisations of Korroglu, the banditism Strol of Persia. – London, 1841.

⁴Sand G. Kourroglu. – Oeuvres illustres. – P., 1853.

⁵Кер-оглы, восточный поэт-наездник: полное собрание его импровизаций с присовокуплением его биографии / Перевод с английского Пенн С.С. Отдельный оттиск. – Тифлис, 1856.

⁶Велизаде М. Предание о разбойнике Короглы // СМОМПК. IX отд. II. – Тифлис, 1890. – С.122; Горбунова К. Замок Кор-оглы из грузинских легенд // Живописная Россия. – М., 1903. – Т. III. – №148; Краснов П. “Кор-оглы и Керем” // Русский инвалид. – М., 1903. – №5; Шу муаллиф. Кавказские заметки и легенды о Кор-оглы // Кавказ. – Тифлис, 1903. – №17.

⁷Березин И.Н. Турецкая хрестоматия. – Спб., 1862. Т. II.

⁸Радлов В.В. Образцы народной литературы северных тюркских племен. – Спб., 1872. – С.323–324. Т. IV.

⁹Қаранг: Боратов P.N. Köroglu destani. – Istanbul, 1931; Çandaklioğlu A. Türk Destan kahramanlari. – Istanbul: Ana Yayinlari, 1977. – 239 s.

¹⁰Rza Zaki. Koroğlu – böl ashiging tarixi. – Bakı: Orudjevlar nəşriyati, 1913.

¹¹Koroğlu / Toplayıb nəşr edəni Vəli Xulufu. – Bakı: Azərnəşr, 1929.

¹²Koroğlu / Azərbaycan xalq eposu. Tərtib edəni Hymmet Əlizadə. – Bakı: Azərnəşr, 1940.

бўлди¹. Эпоснинг озарбайжон версиясини илмий жихатдан тадқиқ қилиш М.Г.Тахмасиб номи билан боғлиқ². Кейинчалик эпоснинг тўлдирилган матнлари, шунингдек, ашиқлар репертуарида сақланиб қолган ва унчалик оммалашмаган шахобчалари ҳам тўплаб нашр қилинди³. Ҳозирда Париж Миллий Давлат кутубхонасида сақланаётган “Гўрўғли” эпосининг А.Ходзько томонидан Жанубий Озарбайжондан қўлга киритилган қўлёзмаси ва Г.Кекелидзе номидаги Тбилиси Қўлёзмалар институти фондида сақланаётган бизгача етиб келган нусхалар “Гўрўғли” эпоси қўлёзмаларининг энг қадимийси ҳисобланади⁴.

Ўрта Осиё халқлари фольклори ва қаҳрамонлик дostonларини тўплаш ҳамда ўрганиш Ҳ.Вамбери⁵ ва А.Н.Самойлович⁶ каби ўлкашунослар фаолияти билан боғлиқ. XX асрга келиб қаҳрамонлик эпосларини тўплаш ва ўрганиш ишлари анчагина фаоллашди. Ўзбек фольклоршунослигида ўзбек “Гўрўғли” дostonларининг вариант ва версиялари, сюжетининг манбалари ва генетик асослари, мотив ва образлар таркиби хусусида В.М.Жирмунский, Ҳ.Т.Зарифов, М.Саидов, М.Муродов, Т.Мирзаев, М.Мирзаева, С.Рўзимбоев, Ж.Холиқулов, Т.Ҳайдаров, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқулов каби олимларнинг кўпгина йирик тадқиқотлари яратилган⁷. Туркумнинг турли дostonлари генезиси, вариантлари ва поэтикасига доир диссертациялар ҳимоя қилинди⁸. Шунингдек, қозоқ⁹,

¹ Антология азербайджанской литературы / Под редакцией В.А.Луговского и С.Вургуна. – М.: ГИХЛ, 1939.

² Koroğlu / Çapa hazırlayanı və ön sözün müəllifi M.N.Təhmasib. – Bakı, 1949. – 484 s.; Təhmasib M.N. Azərbaycan xalq dastanları (orta əsrlər). – Bakı: Elm, 1972, 379 s.; Кер-оглы / Составитель Тахмасиб М.Г. Перевод прозаического текста Гранина Ю. Перевод стихотворного текста Оратовского И. и Плавника А. Предисловие Г.Араслы. – Баку, 1959.

³ Koroğlu / Tərtib edən F.Fərhadov. – Bakı: Maarif, 1975. – 316 s.; Azərbaycan dastanları. Toplayanı və çapa hazırlayan A.Nəbiyev. II hissə. – Bakı: Elm, 2006. – 648 s.; Nəkimov M. Azərbaycan aşiq ədəbiyyatı. – Bakı: Yazıçı, 1983. – 240 s.; Шу муаллиф. Azərbaycan xalq dastanları. – Bakı: Maarif, 1999. – S.146–217; Xalqımızın deyimləri və duyumları / Toplayıb yazıya alanı və tərtib edən M.İ.Nəkimov. – Bakı: Maarif, 1986. – S.218–300.

⁴ Алиева Д. Из истории азербайджанско-грузинских литературных связей. – Баку, 1958. – С.56–61.

⁵ Vambery H. Chagatausche Sprachsteidian. – Leipzig, 1867 – P. 35–36;

⁶ Самойлович А.Н. Очерки по истории туркменской литературы // Туркмения. – М., 1929. Т.1.– С.167.

⁷ Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М., 1947; Саидов М. Ўзбек дostonчилигида бадий маҳорат. – Тошкент, 1969; Муродов М. “Гўрўғли” дostonларининг жанрий ва ғоявий-бадий хусусиятлари: Филол. фан. док.... дис. – Тошкент, 1978; Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент, 1979; Шу муаллиф. Дostonлар зубдаси // “Гўрўғли” дostonлари. Тўрт жилдлик. 1 жилд. Гўрўғлининг туғилиши. – Тошкент: “Ёзувчи”, 1996. – Б.3; Мирзаева М. Ўзбек халқ дostonчилигида туркумлилиқ. – Тошкент, 1984; Рўзимбоев С. Хоразм дostonлари. – Тошкент, 1985; Турдимов Ш. «Гўрўғли» номи хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2000. – №3. – Б.62–65; Шу муаллиф. “Гўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Тошкент: “Фан”, 2011; Шу муаллиф. Этнос ва эпос. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012; Эшонқул Ж. Фольклор: образ ва талқин. - Қарши, «Насаф», 1997, 172 б.

⁸ Халиқулов Ж. «Рождения Гороглы» и его место в цикле дастанов «Гороглы». Автореф... канд. филол. наук. – Ташкент, 1984; Мамашукуров К. Идеино-художественные особенности дастанов цикла “Нурали”: Автреф...канд. филол. наук. – Ташкент, 1986; Ҳайдаров Т. «Гўрўғли» ва мифология синкретизми: Филол. фанлари ном.... дис. автореф. – Тошкент, 1993.

⁹ Бердібаев Р. Қазақ эпосы (жанрлық және стадиялық мәселелері). – Алматы, 1982. – 232 б.; Қоңыратбаев Ә. Қазақ эпосы және түркология. – Алматы, 1987. – 258 б.; Ибираев Ш. Эпос әлемі. – Алматы, 1993. – 296 б.; Әзібаева Б. Көрұғлыға арналған қазақ дастандары хақында // Жұлдыз. –

тожик¹, туркман² ҳамда қорақалпоқ³ фольклоршунослари ҳам “Гўрўғли” дostonлари ҳақида тадқиқотлар олиб бордилар. “Гўрўғли” дostonи Хоразм версиясининг қўлёзма нусхалари бизнинг номзодлик диссертациямизда ўрганилган⁴. Бироқ, мазкур эпоснинг туркий халқлар орасидаги қўлёзма нусхалари юзага келиши сабаблари, китобий дostonларнинг оғзаки вариантлар билан фарқли ҳамда муштарак жиҳатлари, ёзма нусхаларнинг дoston сюжетининг эволюциясидаги ўрни масалалари махсус ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Урганч давлат университети илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ “Ўзбек адабиёти” кафедрасининг “Хоразм адабий муҳити ва фольклорини тадқиқ қилиш” мавзуси доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади “Гўрўғли” эпосининг туркий халқлар орасида тарқалган қўлёзма ва тошбосма нусхаларининг жонли эпик анъанада сақланиб қолган оғзаки вариантлари билан қиёслаш орқали эпос қўлёзма ва тошбосма нусхаларининг шаклланиши тарихини ёритиш ҳамда эпик сюжетлар генезиси ва бадиий эволюцияси босқичларини аниқлашдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“Гўрўғли” дostonлари ижрочилигининг генетик асосларини аниқлаш ҳамда унинг қиссахонлик анъанасига таъсири тарихини ёритиш;

Халқ дostonлари сюжетининг бадиий қайта ишланиши ва эпоснинг китобатлашув жараёни қонуниятларини очиб бериш;

“Гўрўғли” дostonларининг XIX аср бошларидан эътиборан юзага келган қўлёзма ва тошбосма нусхаларини аниқлаб, уларни илмий тавсифлаш орқали эпик сюжетлар тадрижини ёритиш;

қўлёзма ва тошбосма нусхаларнинг бахшилар, қиссахонлар ҳамда халфалар репертуарида сақланиш сабабларини ўрганиш;

“Гўрўғли” эпосининг қўлёзма нусхаларини дostonнинг туркий версиялари билан қиёслаган ҳолда унинг эпик сюжетлар эволюцияси ва поэтик трансформациясидаги ўрнини асослаш;

Алматы, 2009. – №7. – Б.201–205; “Көрўғли” эпосы. Қўрастырып, алғы сөзін жазған М.Ғўмарова. – Алматы: Жазушы, 1973. – 256 б; “Көрўғли” // Батырлар жыры. 4-т. Қўрастырган М.Ғўмарова, Ж.Әбішев. – Алматы: Жазушы, 1989. – 400 б.

¹Брагинский И.С. О таджикском эпосе «Гуругли» и его художественных особенностях // Вопросы изучения эпоса народов СССР. – М., 1958. – С.126–148.

²Корогли Х.Г. Взаимосвязи эпоса народов Средней Азии, Ирана и Азербайджана. – М., 1975. – 336 с.; Короглы Х. Новая версия «Кёроглу» // Теоретические проблемы восточных литератур. – М., 1969. – С.89–94; Каррыев Б.А. Эпические сказания о Кероглы у тюркоязычных народов. – М., 1968. – 260 с.; Мамедязов Б. Туркменский героический эпос Гороглы. – Ашгабат, 1992. – 232 с.; Шу муаллиф. Гороглы эпосининг поэтикаси ҳақинда. – Ашгабат, 1984. – 116 с.; Бекмуратов А. “Гороглининг излери”. – Ашгабат, 1988. – 167 б.

³Мақсетов Қ.М., Тажимуратов А. Қарақалпақ фольклоры. – Нөкис, 1979. – Б. 256–258.

⁴Сариев С.М. Хоразм “Гўрўғли” дostonларининг қўлёзма вариантлари. Филол.фан.ном.... дис. - Тошкент. 2008. 156 б.

“Гўрўғли” дostonлари кўлѐзма ва тошбосма нусхаларининг ўзига хос бадий хусусиятларини тадқиқ этиш натижасида оғзаки вариантлардан фарқли жиҳатларини кўрсатиш;

дostonнинг туркий тиллардаги кўлѐзма ва тошбосма нусхаларини оғзаки вариантлар билан қиёсий тадқиқ этиш асосида фольклор ва ѐзма адабиёт ўртасидаги ўзаро таъсир жараёнлари қонуниятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “Гўрўғли” эпосининг ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондидаги 56, 100/I, 529, 611, 625, 836, 885, 953, 1380, 1429, 1647, 1657, 2962/I, 3039, 3150, 3988, 5353-II, 8042, 9590, 11435, 12045, 12222, 19179, 20054-инвентарь рақамли кўлѐзмалари, Давлат Адабиёт музейида сақланаётган 100-инвентарь рақамли манба, С.Рўзимбоев шахсий архивида сақланаётган “Бозиргон” ва “Хирмондали” дostonларининг кўлѐзмалари, “Ҳикояти Гўрўғли султон” китобининг 1880, 1885, 1890, 1902, 1900, 1911, 1915 йилларда чоп этилган нусхалари, шу китобнинг 1915–1917 йилларда “Гўрўғли султон ботасвир”, “Қиссаи Гўрўғли султон” номи билан Тошкентда чоп этилган намуналари, шунингдек, мазкур дostonнинг Озарбайжон, Туркменистон ва Россия илмий фондларида сақланаётган кўлѐзмалар танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предметини “Гўрўғли” эпосининг туркий халқлар фольклорида тарқалиши, генетик илдизлари, эпос кўлѐзма ва тошбосма нусхаларининг ўзига хос хусусиятлари, ушбу нусхаларнинг эпик сюжетлар ривожига аҳамияти муаммолари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, этнофольклористик, этнопсихологик, контекстуал таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Гўрўғли” эпоси илк бор Сирдарёнинг қуйи оқими ва Оролбўйи минтақасида яшаган қадимги туркий қавмлар фольклорида шаклланиб, ўғуз қабилаларининг этник миграцияси натижасида Кавказорти, Олд Осиё ҳудудларига ёйилганлиги далилланган;

ўзбек фольклоршунослигида илк бор “Гўрўғли” эпосининг туркий халқлар орасида тарқалган кўлѐзма ва тошбосма нусхалари яхлит бадий тизим сифатида илмий тавсифланиб, дostonчилик анъаналарининг миллий хусусиятлари ва ўзаро адабий-фольклорий алоқалар эпик сюжетларнинг тадрижий ривожига асос бўлганлиги аниқланган;

“Гўрўғли” туркуми дostonларининг туркий халқлар орасида кенг ёйилишида жонли оғзаки ижро билан бир қаторда, қиссахонлик анъанаси ҳам муҳим роль ўйнаганлиги асосланган ҳамда XVIII асрнинг охири – XIX аср бошларида халқ қиссаларининг интенсив яратилиш жараёни авж олиши дostonларнинг китобатлашувига сабаб бўлганлиги далилланган;

“Гўрўғли” дostonларининг туркий кўлѐзмалари ва оғзаки версиялар ўртасидаги муштарак ҳамда фарқли жиҳатларни аниқлаш натижасида эпоснинг китобатлашув жараёни эпик сюжетларнинг юзага келиши ва вариантлашишига асос бўлганлиги кўрсатилган;

қўлёзма ва тошбосма вариантларнинг юзага келиши туфайли оғзаки анъанадаги бадий матн турғун ҳолатга келганлиги ҳамда эпоснинг бахшилар томонидан қўлёзмалар орқали ўзлаштирилиши жараёнида дoston ижрочилигига хос асосий хусусиятлардан бири – бадиҳағўйлик иккинчи планга тушиб қолганлиги асослаб берилган;

эпос қўлёзма ва тошбосма нусхаларининг ўзига хос тил хусусиятлари, бадий ифода воситалари ҳамда барқарор эпик формулаларнинг поэтик трансформацияси талқинлари ёзма адабиёт ва фольклор алоқаларини ўрганишнинг муҳим манбаи эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

“Гўрўғли” дostonларининг шаклланиши ва китобатлашув жараёни тарихи ойдинлаштирилган ҳамда қиссахонлик анъанасининг дoston қўлёзмалари шаклланишидаги роли кўрсатилган;

қўлёзма нусхаларнинг бахшилар, қиссахон-халфалар репертуарида яшаб келиш сабаблари кўрсатиб берилган, эпоснинг XIX аср бошларидан бошлаб юзага келган барча туркий халқлар версияларининг қўлёзма ва тошбосма нусхаларига илмий тавсиф берилган;

эпоснинг қўлёзма ва тошбосма нусхаларини бошқа туркий халқлар версиялари билан қиёслаган ҳолда “Гўрўғли” дostonлари эпик сюжетининг тадрижий ривожланиш босқичлари аниқланган;

“Гўрўғли” дostonлари қўлёзмаларининг бадий тил хусусиятларига эътибор қаратилиб, дostonлар тили, уларда қўлланилган бадий ифода воситалари ҳамда фольклор ва ёзма адабиёт ўртасидаги алоқалар масаласи ёритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги “Гўрўғли” дostonларининг оғзаки, қўлёзма ва тошбосма нусхалари таҳлилга тортилганлиги, тадқиқот натижасида чиқарилган хулосаларнинг қиёсий тарихий ва қиёсий–типологик таҳлил усуллари билан асосланганлиги, ечилиши лозим бўлган илмий муаммонинг аниқлиги, “Гўрўғли” дostonларининг оғзаки ва қўлёзма нусхаларини қиёсий таҳлил қилиш муаммолари жаҳон фольклоршунослигининг энг янги илмий концепциялари ва назарий қарашларига таяниб ҳал этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти “Гўрўғли” дostonларининг оғзаки, қўлёзма ва тошбосма нусхаларининг қиёсий таҳлили асосида чиқарилган назарий хулосалар, қўлёзма дostonлар бадииятини оғзаки вариантлар билан қиёсий ўрганиш асносида олинган натижалар эпос назарияси ва эпик сюжетлар генезисини янада кенгроқ қўламда тадқиқ этишга, эпоснинг оғзаки ва ёзма адабиёт ўртасидаги адабий-фольклорий алоқалар тизимида тутган ўрнини кўрсатишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти унинг асосий илмий хулосалари ва материалларидан олий ўқув юртларида “Ўзбек фольклори”, “Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи” фанлари бўйича олиб бориладиган дарс машғулотларида,

шунингдек, ўқув дастури, дарслик, ўқув қўлланмаси, маъруза матнлари тайёрлашда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқотнинг “Тўрўғли” дostonлари қўлёзмаларининг шаклланиши ва ривожда қиссахонлик анъанасининг ўрни, қўлёзма дostonларнинг илмий тавсифи, дoston оғзаки ва қўлёзма вариантларининг қиёсий таҳлили, қўлёзма дostonлар бадиияти бўйича олинган натижалари қуйидаги йўналишларда жорий қилинган:

тадқиқотнинг “Тўрўғли” дostonлари сюжетининг мифологик асослари ва дoston қўлёзма нусхаларида мифик образлар талқинини ўрганишга доир илмий-назарий қарашлардан Навоий давлат педагогика институтида бажарилган «Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни» мавзусидаги Ф1-ХТ-0-19919 рақамли илмий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий таълим вазирлигининг 2019 йил 6 ноябрдаги 89-03-4306-сонли маълумотномаси). Натижада, эпосларда мифологик сюжетларнинг акс этиши, мифопоэтик тафаккур намуналарининг эпослар шаклланишида тутган ўрнини аниқлашга эришилган;

тадқиқотнинг халқ оғзаки ижодининг ёзма адабиётга таъсири ҳамда жаҳон ва туркий халқлар ижтимоий ҳаётида эпоснинг ўрнини белгилашга доир хулосаларидан Навоий давлат педагогика институтида бажарилган ХТ-Ф1-004 рақамли “Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари” мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий таълим вазирлигининг 2019 йил 6 ноябрдаги 89-03-4306-сонли маълумотномаси). Натижада, халқ эпоси ва эпик қаҳрамон ибрат намунаси эканлиги борасидаги мулоҳазаларнинг бойитилишига эришилган, эпосдаги эпик қаҳрамонлар талқини орқали бадиий-эстетик тарбияни амалга оширишда фольклор тарбия воситасини бажариши илмий-назарий асосланган;

Тадқиқотнинг фольклор ва ёзма адабиёт ўртасидаги алоқаларни ёритиб бериш, шу асосда эпос таркибида шаклланган эпик сюжетларни аниқлашга доир илмий хулосаларидан Бухоро давлат университети “Ўзбек филологияси” кафедрасида Давлат фундаментал-тадқиқот дастурлари доирасида бажарилган Ф-1-06 “Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези” мавзусидаги лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий таълим вазирлигининг 2019 йил 6 ноябрдаги 89-03-4306-сонли маълумотномаси). Натижада архаик эпосга хос мифологик тасаввурларнинг поэтик диффузияси таъсирида шаклланган эпик сюжетлар трансформацияси халқ эпосининг бадиий қамрови кенгайтирилганлигини исботлашга эришилган;

тадқиқотдаги “Тўрўғли” дostonлари қўлёзмалари ва “Авесто”нинг муштарак ва ўзига хос томонлари, образлари ҳақидаги маълумотларни жорий этиш “Авесто” музейига ташриф буюраётган маҳаллий ва хорижий сайёҳларда Ватанимизнинг бой маданий мероси, қадимий номоддий мерос манбалари, уларни ўрганиш юзасидан олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш ва уларга ахборотлар етказишда фойдаланилган (Халқаро “Олтин мерос” Хайрия жамоат фондининг 2019 йил 31 октябрдаги №01-46-30/10-19-сонли маълумотномаси). Натижада Халқаро “Олтин мерос”

Хайрия жамоат фонди ўз тасарруфидаги “Авесто” музейида “Авесто” мифологияси ва “Гўрўғли” дostonлар туркумидаги образлар” илмий мақоласи асосида “Авесто” ва Гўрўғли” дostonларидаги ўхшашликларни ифода этувчи кўргазма материаллари тайёрланган;

“Гўрўғли” дostonларининг оғзаки ва кўлёзма нусхаларини дунё халқлари эпик тафаккури контекстида тутган ўрни ва аҳамияти, дoston кўлёзма ва тошбосмаларининг хоразмлик бахши ва халфалар эпик репертуарида сақланиб қолиш хусусиятларига доир илмий қарашлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Хоразм” телевидениесининг “Кун меҳмони” (14.04.2019), “Долзарб мавзу” (11.05.2019), “Мунаввар кун” (18.11.2018), “Қадрият” телекўрсатувлари ва “Қадрият” радиоэшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Хоразм” телевидениесининг 2019 йил 17 сентябрдаги 1253-сонли маълумотномаси). Натижада, кўлёзма дostonларнинг маърифий-эстетик аҳамияти, ёш авлод дунёқарашининг такомилидаги роли, юксак этнопедагогик тарбиявий аҳамияти, уларнинг сўз санъатидаги алоҳида ўрни хусусидаги хулосавий фикр ва қарашлар янада кенгрок оммалашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 5 та республика, 5 та хорижий конференцияларда қилинган маърузаларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация натижалари бўйича 37 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 18 та мақола, 4 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг умумий ҳажми 262 бетни ташкил этади. Диссертациянинг таркиби кириш, беш боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборатдир.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатиб ўтилган.

Тадқиқотнинг **“Гўрўғли” туркуми дostonларининг шаклланиши ва китобат қилиниши тарихи**” деб номланган биринчи бобининг илк фасли **“Гўрўғли” дostonи туркий версияларининг шаклланиши тарихи**” деб аталган. “Гўрўғли” дostonлари йигирмадан ортиқ туркий ва туркий бўлмаган халқларнинг оғзаки ижоди намуналари сифатида кенг ҳудудда тарқалиб, кўплаб эпизод ва саргузаштларга эга версия ҳамда вариантларга бой маҳобатли

эпос саналади. “Гўрўғли” достонлари ўзининг сюжет тузилиши ва мундарижасига кўра икки катта гуруҳга: Кавказ ва Яқин шарқ версияси ҳамда Ўрта Осиё версияларига ажралиши деярли барча тадқиқотларда қайд этилган.

“Гўрўғли” достонининг Шарқий версияларида қаҳрамоннинг ғайритабиий тарзда туғилиш мотиви асосий планга чиқади ва бу мотив талқини Ғарбий версиялардан кескин ажралиб туради. Достон генезиси ва тадрижий босқичларини тадқиқ қилган Ш.Турдимов асосий эътиборни ушбу мотивга қаратади ва “Гўрўғли” достонининг туб асосини ўлиб тирилувчи табиат кучлари ҳақидаги мавсумий миф билан боғлайди¹. Шу ўринда ўзбек фольклоршунослигида “Гўрўғли” достонларининг пайдо бўлиш даври ҳақида айтилган асосий фикр ва хулосаларга қисқача тўхталиб ўтиш зарур. Аввало, барча фольклоршунослар “Гўрўғли” достонларининг Шарқий версиялари Ғарбий версия асосида пайдо бўлган, деган фикр тарафдори эдилар. Лекин кейинги даврда академик Тўра Мирзаев ва фольклоршунос Ш.Турдимовлар бу фикрга қарши иккинчи бир фикрни илгари суришмоқда. Хусусан, Т.Мирзаев “Ҳикояти Гўрўғли султон” китобига ёзган сўзбошисида “Гўрўғли” туркуми достонларида тасвирланган ҳаёт тарзи бу ҳашаматли эпос “Китоби дадам Қўрқут” ва “Алпомиш” достонларидан кейин XI – XII асрларда Ўрта Осиёда қадимий бадиий заминга (ўғуз-туркман, ўзбек-қипчоқ каби) таяниб яратилди, кейинги босқичда эпоснинг озарбайжон-ўғуз асосда “тарихийлашиб” борганини ҳам инкор этиш мумкин эмас, деган қарашни олға суради². Ш.Турдимов эса “Гўрўғли” достонининг ядроси, сюжети ва образлар тизимининг мифологик ҳамда тарихий асослари қадим-қадимдан Туркистон кенгликларида яшаб келган аждодларимизнинг тасаввурлари, дунёқарашларига боғлиқ сак, массагет ва ўғиз эпик анъаналари асосида эрамиздан аввалги минг йилликларда яратилиб, босқичма-босқич сайқал топиб, тўлиқ бадиий-эстетик сатҳга ўтди. Архаик эпоснинг навбатдаги талқинларидан бир шохобчаси Марказий Осиёдан Кавказ ва Кичик Осиёга кўчган ўғиз қабилалари билан у ҳудудларга ҳам тарқалди, янгиланди. Сўнгги талқинлар ўзаро маданий-адабий алоқалар натижасида Марказий Осиё версияларига ҳам маълум таъсирини ўтказди³, деб ёзади.

Айни пайтда “Гўрўғли” эпосини қадимги ёзма манбалардаги эпик сюжетлар билан боғлаб тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, достоннинг шаклланишида сак-массагет эпосидаги халқаро “сайёр сюжет”лар муҳим роль ўйнаган. Фольклордаги “ноҳақ кўзи кўр қилинган одамнинг ўғли буюк қаҳрамон бўлиб етишиши”дан иборат сюжет элементи жаҳон эпосининг муштарак мотивларидан бири саналади. “Кўрнинг ўғли” мотивининг шаклланиши бир жиҳатдан қадимги юнон афсоналаридаги Зевснинг ўлган ҳомиладор кизи гўрда ўғил туғилишига боғлаб талқин қилинса, иккинчи томондан бу мотив милоддан аввалги VII–VIII асрларда Шимолий Қора денгиз

¹Турдимов Ш. “Гўрўғли” достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Тошкент: Фан, 2011. – Б.150–200.

²Ҳикояти Гўрўғли султон. – Тошкент: Адабиёт учкуни, 2013. – Б.17.

³Турдимов Ш. Кўрсатилган асар. – Б.219–220.

атрофидаги чўлларда яшаган скифлар орасида қадимдан мавжуд бўлган сюжетларга боғлаб талқин этилади. Геродот кўрнинг ўғли ҳақидаги эпик сюжетнинг юзага келишига асос бўлган “кўр қуллар” ҳақидаги ривоятни келтирган¹. “Гўрўғли” эпосини скиф, осетин, сван фольклоридаги эпик талқинларини қиёсий–чоғиштириб ўрганган Ж.Дюмезиль “Гўрўғли” достони сюжети билан Геродот “Тарих”ида келтирилган “кўрнинг боласи” афсонаси орасида ўхшашлик мавжуд бўлса-да, улар орасида тўғридан-тўғри боғлиқлик йўқлигини қайд қилиб ўтади².

“Гўрўғли” туркуми дostonларида мифологиянинг излари бевосита бўртиб кўринмаса-да, турли тимсоллар, миф негизида шаклланган эпик мотивлар ва мифопоэтик образлар орқали намоён бўлади. Масалан, ўзбек фольклорида туш мотиви жуда кенг тарқалган бўлиб, унинг илдизлари қадимги мифология билан боғланиб кетади. “Туш лавҳасининг асоси битта – инсон руҳий дунёсининг рамзидир. Туш ва миф шарҳланар экан, тадқиқотчидан улардаги “рамзлар тилини” билиш талаб этилади”³. “Гўрўғлининг туғилиши” достонида унинг бобосининг тушига “олтин ошиқ” киради ва сал ўтмай унга мазордаги бола ҳақидаги хабарни келтирадилар⁴.

Жаҳон халқлари эпосида кўпчилик эпик қаҳрамонларни дастлаб бўри, байтал, кийик ёки эчки эмизиб боқади. Гўрўғлини ҳам эчки ёки байтал эмизиб боқади. Мифологияда эчки ҳосилдорлик культига алоқадор илоҳий жонзот сифатида талқин қилинган. Эчкининг мифологик тимсол сифатидаги талқини ўзбек шомон маросимлари фольклорида ҳам сақланиб қолган. Достонда қаҳрамоннинг эчкини эмиб улғайиши Ш.Турдимовнинг ишида алоҳида ўзбек материали мисолида талқин этилган⁵. Гўрўғли образининг мифологик табиати унинг аجدодлар култини ўзида ифода этган персонажлар билан алоқадорлигида ҳам кўринади. Гўрўғли эпик қаҳрамонларга хос баҳодирлик хусусиятларини намоёйиш этади.

“Гўрўғли” эпосининг барча версияларида Гўрўғли номининг пайдо бўлиши унинг отаси кўр қилиниши билан боғлиқ ҳолда эпик талқин қилинади. Эпос асосий қаҳрамони номини билдирувчи Гўрўғли, Кўрўғли, Қораўғли каби эпонимлар куёш, ёруғлик ва улуғворлик билан алоқадорлик касб этади, деб ҳисоблайдилар⁶. Гарчи, “Гўрўғли” эпоними эпос қаҳрамонининг эпик номи ҳисобланса-да, унинг тарихий асослари ҳам мавжуд. Сафавийлар даври тарихчиси Искандарбек Муншийнинг келтиришича, жалоллийлар ҳаракатининг энг фаол йўлбошчисини исми Гўрўғли бўлган. Айрим манбаларда эса озарбайжон эпосида “Гўрўғли” сўзи эпос бош қаҳрамонининг номи ҳамда уруғ-қабила атамаси, яъни этноним бўлиб, эпосда қаҳрамон исмини билдирувчи

¹Геродот. История в девяти книгах. – Л.: Наука, 1972. – С.187.

²Дюмезиль Ж. Осетинский эпос и мифология. – М.: Наука, 1976. – С.245.

³Эшонкул Жаббор. Фольклор: образ ва талқин. – Қарши: Насаф, 1999. – Б.107.

⁴Гўрўғли. Хоразм дostonлари. Нашрга тайёрловчилар: С.Рўзимбоев, Х.Рўзимбоев, Г.Эшчанова. – Урганч: “Хоразм” нашриёти, 2004. – Б.9.

⁵Турдимов Ш. “Гўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Тошкент: Фан, 2011. – Б.100–101.

⁶Тахмасиб М.Г. Азербайжан халг дэстэнлари. – Баку: Элм, 1972. – Б.145–146.

эпонимга айланган, деб қайд этилади¹. С.Рўзимбоев ўрта аср ўғуз эпосидаги Ўғуржук эпонимининг Гўрўғли атамаси билан яқинлигини қайд қилади². Бизнинг фикримизча, Ўғуржиқ номидаги “ғур”, “Қўрқут” атамасидаги “қўр” сўзлари, шунингдек, “Гўрхон” эпонимидаги “гўр” сўзлари “Гўрўғли” эпонимининг ўзаги ҳисобланадиган “гўр” лексемаси билан боғлиқлиги ҳам мазкур дostonнинг шаклланишида ўғуз эпоси муҳим аҳамият касб этганлигини кўрсатади. Айрим манбаларда “Гўрўғли” дostonини араб босқинчиларига қарши IX аср бошларида Озарбайжонда олиб борилган Бобек бошчилигидаги хуррабийлар ҳаракатига боғлаш ҳолатлари учрайди³. Масалан, Гўрўғлининг отасини кўр қилиниши билан Бобекнинг онасини кўр қилиниши эпизодида бир хиллик мавжуд⁴.

“Гўрўғли” дostonининг туркий версияларида миллий эпик анъанага хос хусусиятлар сақланган бўлиб, эпик анъананинг тараққиёти давомида мазкур эпос қўшимча шаҳобчалар билан бойитилган. Асрлар ўтиши билан тарихий воқелик адабий воқеликдан узоқлашиб кетиши натижасида Гўрўғли шахси ва жалоллийлар ҳаракати воқеалари хотирадан унутилиб, Гўрўғли эпик образи билан боғлиқ адабий сюжет яратилган. Аммо дostonнинг Шарқий версияси, хусусан дostonдаги бир қанча мотивлар талқини аниқсқа қаҳрамоннинг ғайри табиий туғилиш мотивининг мавжудлиги ўзбек фольклоршунослигидаги кейинги хулосалар асосли эканлигидан далолат бермоқда. Бу фикр бевосита Хоразм ҳудудида кенг тарқалган ёзма вариантлар сюжети ва генезисига ҳам тегишлидир.

Маълумки, X–XI асрларда Сирдарёнинг қуйи оқими ва Оролбўйи минтақасида яшаган қадимги туркий қавмлар Кавказ ва Олд Осиё (Туркия ва бошқа) мамлакатларга миграцион кўчиши содир бўлган⁵. Натижада, “Гўрўғли” дostonлари учун асос бўлган ўзак сюжет (қаҳрамонлик сюжетлари) ҳам Ўрта Осиё туркий ўғузлари билан бирга Кавказ ва Олд Осиё мамлакатларига бориб қолган. Назаримизда, “Гўрўғли” дostonлари Кавказ ҳудудларида Ўрта Осиё туркий қавмларининг миграцияси билан борган минг йиллардан бери яшаб келаётган қадимий қаҳрамонлик сюжетлари таъсирида шаклланган.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли **“Гўрўғли” дostonлари қўлёзмаларининг шаклланиш тарихи** деб номланган. “Гўрўғли” дostonлари қўлёзмаларининг пайдо бўлиши унинг қиссахонлик анъанаси орқали ҳам кенг ёйилишига олиб келган. Халқ дostonларини китобат қилиш жараёни бошланиши билан “Ҳикояти” Гўрўғли султон”, “Қиссаи Авазхон” каби асарлар, шунингдек, эпоснинг Шарқий версиясига мансуб “Нурали”, “Холдорхон”,

¹Короглы Х.Г. Взаимосвязи эпоса народов Средней Азии, Ирана и Азербайджана. – М.: Наука, 1983. – С.169–175.

²Гўрўғли. Хоразм дostonлари. Нашрга тайёрловчилар: С.Рўзимбоев, Х.Рўзимбоев, Г.Эшчанова. – Урганч: “Хоразм” нашриёти, 2004. – Б.4.

³Бу ҳақда қаранг: Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М., 1947. – С.183.

⁴Короглу / Перевод художественного и научного текста с азербайджанского Имрана Сейидова. – Баку: Изд.-во “Сада”, 2000. – С.18.

⁵Агаджанов С.Г. Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX–XIII вв. – Ашгабат: “Ылым”, 1969. – С. 36–38.

“Ҳасанхон”, “Авазхон” каби қатор достонларнинг қўлёзма нусхалари пайдо бўлган. Хоразм “Тўрўғли” достонларининг оммалашиши ва ижро этилиши ҳам, асосан, бу эпик асарнинг қўлёзмаларига асосланган¹. Бу ҳақда 1908 йилда Хоразмда илмий сафарда бўлган А.Самойлович: “Хивалик бахшининг ўзи дутор чалиб, китобий достонни ижро этаётганида унинг ёнидаги икки созанда буламон чалиб, унга жўр бўлиб туришди”², – деб ёзади. Хива хони Суяв бахшини чақириб “Тўрўғли” достонини айттирган ва ўзи достоннинг қўлёзмасига қараб ўтирган. Бахши ҳатто бир сўзда ҳам янглишмаган³. Хон томонидан бу хил талабнинг қўйилиши, достон куйлаш тартиби *давлат сиёсати даражасида қаралганлигидан далолат беради*. Кўринадикки, эпоснинг дастлаб қўлёзма, XIX аср охири – XX аср бошларига келиб тошбосма нусхалари пайдо бўла бошлади. Хоразм бахшилари сўнгги даврларда достонларни, асосан, ёзма матнлар орқали ўрганиб, оғзаки ижрога ўтганлар.

Диссертациянинг иккинчи боби “Тўрўғли” туркуми достонлари қўлёзма ва тошбосма вариантларининг тавсифи” деб аталган бўлиб, унинг биринчи фасли “Тўрўғли” достони ўзбек версиялари қўлёзмаларининг тавсифи”га бағишланган. Тадқиқот ишимида ўзбек “Тўрўғли” достонларининг XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида кўчирилган қуйидаги қўлёзмалари тавсифланган:

1. ЎЗР ФАШИ фондидаги 3150-I-рақамли қўлёзма. Қўлёзмага “Равшанбек” деб ном қўйилган бўлиб, ҳажми 182 бет. Унда “Тўрўғлининг туғилиши”, “Тўрўғлининг болалиги”, “Араб Райҳон Гуландомни олиб қочиши”, “Тўрўғли ўз отига эга бўлиши”, “Тўрўғлининг Исфаҳондан ўқ ёй ва қурулларига эга бўлиши”, “Тўрўғлининг ўз йигитларига эга бўлиши ва Хунхоршоҳдан интиқом олиши”, “Тўрўғлининг уйланиши”, “Ор олиш”, “Авазнинг келтирилиши”, “Авазнинг асир олиниши ва халос этилиши”, “Мустафобек”, “Авазнинг уйланиши” достонлари берилган.

2. ЎЗР ФАШИ фондидаги 9590-рақамли қўлёзма. Мазкур қўлёзма 211 бетдан иборат бўлиб, унда “Тўрўғлининг дўрайиши”, “Авазнинг келтирилиши”, “Авазнинг уйланиши”, “Араб танған”, “Қирқ минглар”, “Авазнинг Ваёнгонга кетиши” “Хирмондали”, “Аваз Моҳитобон”, “Бозиргон”, “Кампир”, “Авазхон”, “Тўрўғли ва Мустафобек” достонлари берилган.

3. Россия ФА Санкт-Петербург Осиё халқлари институти Қўлёзмалар фондининг Кауфман коллекциясидаги В-321-рақамли “Бозиргон” достони қўлёзмаси. XIX аср ўрталарида араб имлосида кўчирилган бу нусха “Тўрўғли” деб номланган.

4. ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архивидаги 1751-рақамли қўлёзма. Бу қўлёзмада “Нуралининг тўйи”, “Нуралининг минг йигити билан овга кетиши ва асир тушиши”, “Тўрўғлининг Нуралини излаб боргани”, “Нуралининг зиндонда, чоҳда ётиши ва Авазнинг у

¹Жирмунский В.М., Зарифов Х. Узбекский народный героический эпос. – М., 1947. – С. 55.

²Самойлович А.Н. Краткий отчет о поездке в Ташкент и Бухару и в Хивинское ханства в 1908 году // Известия Русского комитета для изучения Средней и Восточной Азии в историческом, лингвистическом и этнографическом отношениях. – СПб., 1909. – №9. – С. 21–22.

³Айымбетов Қ. Халық даналығы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1988. – Б. 132.

билан Бобониёз чол ёрдамида учрашуви ва қутқаришга ҳаракат қилиши”, “Тўрўғли Шохсафиднинг қўшинини тор-мор қилиб, Аваз, Нурали ва Гулшарофни олиб қайтгани ва етти кеча-кундуз тўйлар қилиб муродиға етгани” каби сюжетлар берилган. Унда бошқа қўлёзмаларда учрамайдиган Нуралихоннинг Шохсафид билан жанги тасвирланган янги сюжет мавжуд. Ушбу матн оғзаки вариантдан ёзиб олинганлиги кўриниб турибди. Унинг ёзиб олинишининг ўз сабаблари бор ва у бошқа оғзаки нусхаларнинг анъанавий йўлда давом этишига ҳалақит қилмаганлигини эътиборда тутиш керак. Академик Т.Мирзаевнинг маълумотиға кўра, қўлёзма фарзанди бўлмаган бахшининг илтимосига кўра, ўзидан ёдгор бўлиб қолиши учун Мухторхон исмли эшон тамонидан ёзиб олинган.

5. ЎзР ФАШИ фондидаги “Холдорхон” достонининг 8042-рақамли қўлёзмаси. Қўлёзма “Аҳмад сардор” шаҳобчаси билан бошланади. Бунда Холдорхон Қрим хони сифатида салбий образ бўлиб келади. Қўлёзмада Аҳмад сардорнинг Чамбилга юриши ва Холдорхоннинг босқини воқеалари тасвирланган. Ушбу манба “Тўрўғли” туркумининг оғзаки ижрода қайд қилинган “Холдорхон”, “Тўрўғлининг Қримга бориши” достонлари таъсирида юзага келганга ўхшайди.

6. ЎзР ФАШИ фондидаги “Ҳасанхон” достонининг 859-рақамли қўлёзмаси. Қўлёзманинг боши ва охири тўлиқ сақланган. Насътлик хатида кўчирилган. Достон воқеалари Тўрўғлининг Ҳасанхонни олиб келиш учун Ваянган шаҳрига бориши ва қаҳрамонликлар кўрсатиб Ҳасанхонни олиб келишига бағишланган.

7. ЎзР ФАШИ фондидаги “Ҳасанхон” ва “Авазнинг арази” достонларининг 12045-рақамли қўлёзмаси. Қўлёзмада иккита достон берилган бўлиб, алоҳида вариантлар сифатида аҳамият касб этади. XIX асрда насътлик хатида кўчирилган.

8. ЎзР ФАШИ фондидаги “Малика Айёр “достонининг 836-рақамли қўлёзмаси. “Тўрўғли” достони қўлёзмаларининг барчаси эпоснинг оғзаки ижродаги вариантлари асосида юзага келган. Ушбу қўлёзмаларнинг аҳамияти, оғзаки анъанада унутилиб кетган айрим эпик сюжетларни ўзида сақлаб қолганлиги билан белгиланади.

Иккинчи бобнинг кейинги фасли “Тўрўғли” эпоси туркий версиялари қўлёзмаларининг тавсифи” деб берилган. Эпоснинг қардош туркий халқларга мансуб версияларининг оғзаки вариантлари ҳақида қатор тадқиқот ишлари олиб борилган бўлса-да, туркумнинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари етарлича тадқиқ қилинмаган. Диссертацияда мазкур достоннинг туркий версияларини қуйидаги қўлёзмалари тавсифланган:

I. Туркман “Тўрўғли” достонлари қўлёзмалари. Тадқиқот натижасида Туркменистон Миллий қўлёзмалар институти фондида “Тўрўғли” эпосининг қуйидаги қўлёзма нусхалари ҳам борлиги аниқланди:

1. 1892- рақамли қўлёзма. “Тўрўғли” достонидан кўшиқлар. Ҳар варағи 12 сатрдан иборат бу қўлёзма тахминан XIX асрда хитой қоғозига насътлик хатида кўчирилган;

2. 5989-рақамли қўлёзма. “Гўрўғли” эпосининг “Хирмондали” шаҳобчасидан парча (бўлак). Қўлёзма тахминан XIX асрнинг охирларида наставлик хатида кўчирилган.

3. 2990-рақамли қўлёзма. “Хирмондали” достони. Тахминан XIX асрнинг охирларида кўчирилган бирмунча яхши сақланган тўлиқ нусха.

4. 3229-рақамли қўлёзма. “Ставраполь нусхаси” деб ҳам аталадиган ушбу қўлёзмада “Гўрўғли” эпосининг қуйидаги шаҳобчалари берилган: 1) 1-А – 28-В варақлар: “Табли ботир”; 2) 163-А – 170-В варақлар: “Гўрўғлининг асли макони” “(Гўрўғлининг асли дўрайиши)”; 3) 112-В – 130-В варақлар: Болубек ва Долубек”; 4) 228-А – 229-В варақлар “Бозиргон”.

5. 727/3-рақамли қўлёзма. “Гўрўғли ва Болубек” достони. Ставраполь туркманлари орасида оммалашган ушбу нусха мазмунига кўра ЎзР ФА Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида сақланаётган 9590-инвентарь рақамли қўлёзмадаги “Аваз Моҳитобон” достонини эслатади.

6. 1074-рақамли қўлёзма. “Гўрўғли” эпосининг “Ойсултон” шаҳобчаси. Бошланиши: 1-Б варақ: *“Оғасининг бошига қўниб гўзларини ўёр эрди...”* Тугалланиши: 22-А варақ: *“Қалъаи Сангир дерлар манинг маконим, Хуш келибсиз бизнинг манзил макона...”*. Қўлёзма охирига етмаган. Чунки, Оға Юнус паризод тилидан айтилган бу шеър достоннинг ўртасида келади.

7. 3629-рақамли қўлёзма. “Бозиргон” достонининг “Ойсултон” қисми. Қўлёзманинг боши ва охири сақланмаган. Тахминан XX асрнинг 30-йилларида жадидча хатда ёзилган. Ўртача 20 сатрдан кўчирилган.

8. 2198-рақамли қўлёзма. “Гўрўғли” эпосининг “Болибек ва Долубек” шаҳобчаси. Бирмунча тўлиқ нусха. Боши яхши сақланган. Охири тугалланмай қолган. Бу қўлёзмани “Гўрўғли” эпоси туркман версияси Ставраполь нусхаларининг бир намунаси деб ҳисоблаш мумкин.

II. “Гўрўғли” достонлари уйғур версиясининг қўлёзмалари. Уйғур “Гўрўғли” достонларининг қўлёзмалари ҳалигача тўлиқ ўрганилмаган бўлса-да, халқ орасида достонларнинг кўплаб қўлёзмалари мавжудлиги илмий манбаларда қайд этилган¹. “Гўрўғли” достонларининг 1915 йилда араб ёзувида кўчирилган қўлёзма нусхаси уйғур версиясини тиклаш ва нашрга тайёрлашда асос бўлган. Унда: *“Маралвешлик Мулла Салай котибнинг 1331 ҳижрий 26 жумадул аввалининг душанбаси (милодий тахминан 1915 йиллар) кўчириб, тамомлаган қўлёзмасига асосан, Енисарлик (Янгисарлик) халқ достончиси Убайдулла ҳожиси айтиб берган ва Умр эли хотирасидаги “Амир Гўрўғли” достонидан фойдаланиб тайёрланди. Қўлёзмани сақлагувчи: Абдулла Салай”*, деган маълумот келтирилган.

III. “Кўрўғли” достонлари озарбайжон версиясининг тошбосма нусхаси. 1927 йилда Бокуда Озарбайжон Илмий жамияти нашриётида араб имлосида чоп этилган бу тошбосмада: 1) “Гўрўғлининг Тўқот сафари”; 2) “Гўрўғлининг Бағдод сафари” шаҳобчалари берилган².

¹Райхл К. Тюркский эпос. – М.: Восточная литература, 2008. – С.14.

²1927 йилда Бокуда, Озарбайжон Илмий жамияти нашриётида араб имлосида чоп этилган тошбосма нусха.

IV. “Кўрўғли” дostonлари турк версиясининг 1885 йилдаги Истанбул литографик нашри. 1885 (ҳижрий 1304) йилда Истанбулда усмонли турк тилида нашр қилинган бу китобга “Машхур Кўрўғли ҳикояси” деб ном қўйилган. Дoston Истанбулда Абу Ал Зиё матбаасида чоп этилган бўлиб, асарнинг бошланишида “Ўқувчиларга сўзим” сарлавҳали сўзбоши берилган. Тошбосма “Тамом ўлди Кўрўғли” деб якунланган. Истанбул нусхасида қуйидаги асос сюжетлар ихчам китоб шаклида жамланган: “Кўрўғлининг отаси билан боғлиқ дастлабки сюжет”, “Тулпор от – Қиротга эга бўлиши”, “Гўрўғли Чамлибел қалъасини қуриши”, “Авазнинг келтирилиши” “Қиротнинг қутқарилиши”, “Бозиргонбоши”, “Кўрўғлининг ўғли билан топилиши”, “Ҳасаннинг уйланиши”.

Дoston туркий версияларининг ушбу қўлёзма ва тошбосма нусхалари эпос сюжетларининг тадрижий ривожига жараёнларини ўрганишга манба бўлади.

Тадқиқотнинг **“Ўзбек “Гўрўғли” эпоси қўлёзма ва оғзаки вариантларининг қиёсий таҳлили”** номли учинчи бобининг дастлабки фасли **“Хоразм “Гўрўғли” дostonларининг қўлёзма ва тошбосма нусхалари”** деб аталган. “Гўрўғли” дostonлари Хоразм версиясининг ўзига хос хусусиятлардан бири – унинг қўлёзма шаклида ҳам оммалашганлигидир. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти фондида Хоразм “Гўрўғли” эпосининг “Гўрўғли султон”, “Достони Гўрўғли”, “Равшанбек” каби ўнлаб қўлёзма нусхалари мавжуд бўлиб, уларда иккитадан ўн иккитагача дoston берилган.

“Равшанбек”. Эпоснинг кўплаб шахобчаларини қамраб олган ушбу қўлёзма тўлиқ нусхалардан биридир. У Жиғолибек ўғли Одибек султон заифаси қабрини бориб кўриши воқеалари билан бошланган.

“Гўрўғлининг туғилиши”. Ушбу қўлёзма Хоразм бахшилари учун асосий манба – “Бахши китоб”ларидан бири бўлган. Унда кўплаб эпик сюжетлар, персонажлар ва лавҳалар сақланиб қолган. Гўрўғлининг ўлган онадан дунёга келиши мотивининг асосида “табиатнинг қайта тирилиши” тушунчалари туради¹.

“Гўрўғлининг болалиги” шахобчасида тасвирланишича, Жиғолибекни Хункорга ёмонлаб кўзини ўйдирадилар. Гўрўғли Ужатоғда макон қилади ва бу макон кейинчалик Чамбилбел деб аталади. Абдулло қаландар Гўрўғлини ўн беш ёшида подшо бўлишини башорат қилади:

*Аввал-охирни султони бир худодин айланай,
Зоҳир-ботинни султони подшоҳдин айланай².*

Оғзаки вариантда мазкур шеър “ўргилай” радифи билан берилган³.

“Араб Райҳоннинг Гуландомни олиб қочиши” шахобчасида тасвирланишича, Райҳон араб Гуландомни олиб қочиб кетади. Мазкур шахобча 3150-инвентарь рақамли қўлёзмада 9590 ва 1647-инвентарь рақамли қўлёзмалар ҳамда оғзаки вариантга қараганда батафсил берилган.

¹Турдимов Ш. Гўрўғли” дostonи ва куёш топинчи билан боғлиқ тасаввурлар // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2011. – 1-сон. – Б.72–79.

²ЎЗР ФА ШИ Қўлёзмалар фонди. Инв.№3150-І. “Равшанбек” дostonи. – Б.15.

³Гўрўғли. Хоразм дostonлари. – Урганч, 2004. – Б.30.

“Гўрўғлининг отига эга бўлиши”. Бошқа қўлёмаларда учрамайдиган бу шахобчада Гўрўғлининг ўз отига эга бўлиши тасвирланган. Қўлёмалардаги Гўрўғлининг отига эга бўлиши сюжети қадимий инончлар асосида тасвирланган. Гиротнинг туғилиши билан боғлиқ эпик мотивлар генезиси сак-массагет қабилалари архаик эпосидаги жанговар отлар образининг бадий эволюцияси асосида келиб чиққан¹. “Гўрўғли” достони қўлёмма нусхасида отга эга бўлиш ҳақидаги эпик сюжет мавжудлиги қўлёммаларнинг оғзаки вариантларидан фарқини белгилаб бериши билан бирга, туркумликнинг оғзаки ижрода унутилиб кетган узвларини аниқлашда муҳим манба ҳисобланади.

“Гўрўғлининг Исфакхондан ўқ-ёй ва курулга эга бўлиши”. Гўрўғли Шохимардон ва эранлардан дуо олиб, Исфакхон қалъасига бориб, курул дўконида Имар ва Кимар деган икки бобо ясаган ўқ-ёйни олиб қайтади. 3150-рақамли қўлёммадаги ушбу ўқ-ёйга эга бўлиш мотиви достоннинг оғзаки вариантларида учрамайди ёки бошқа шахобчаларга қўшиб юборилган.

“Гўрўғлининг ўз йигитларига эга бўлиши” шахобчасида Гўрўғли Калат тоғида отаси Одилбекдан қолган қирқ йигитни топади ва улар билан биргаликда ота-боболарининг хунини олади. Мазкур шахобча бошқа бирорта қўлёммада ва оғзаки вариантларда берилмаган.

“Гўрўғлининг уйланиши” шахобчасида Шохимардон Гўрўғлининг тушига кириб, Кўкбиллур тоғидаги Ғабфор шахрида Жаҳонподшоҳнинг қизи оға Юнус пари ҳақида хабар беради. Унда қирқ кишининг кучи, юз одамнинг ақли, юз парининг ҳусни борлигини айтади. Бу шахобчанинг қўлёмма ва оғзаки вариантыдаги шеърӣ қисмлар қиёсий таҳлил қилинганда 3150-рақамли қўлёммада берилган шеърӣ матн оғзаки вариантдагидан кўра бадий жиҳатдан мукамаллиги маълум бўлди.

“Ор олиш”. Мазкур шахобчанинг барча вариантларида Райҳон Арабдан ўч олиш тасвирланган. Оғзаки вариантда Гўрўғлининг янгаси Гуландом деб берилгани ҳолда Райҳон арабнинг қизи 3150, 9590 ва 1647-рақамли қўлёммалар ва оғзаки вариантда Бибижон дейилади. Мазкур шахобча 1647-рақамли қўлёммада мазмунни сақлаган ҳолда ихчамлаштирилган.

“Авазнинг келтирилиши”. Мазкур достон асосида Гўрўғли томонидан Хункоршоҳ ҳукм сураётган Ваянган шахридаги Булдуруқ кассоб ва Гулойимнинг ўғли Авазхоннинг олиб келиниши ва асраб олиниши воқеалари туради. Бу шахобча “Гўрўғли” эпосининг Яқин Шарқ ва Ўрта Осиё (уйғур версиялари ҳам шунга киради) туркий версиялари ичида оғзаки, тошбосма ва қўлёмма нусхаларда кенг тарқалган. Ушбу эпик сюжет халқ эртакларидаги синов мотиви асосида шаклланган.

“Авазнинг уйланиши”. Ушбу эпик сюжет Гўрўғли томонидан Гуржистондан Лакашоҳнинг қизи Гулруҳни олиб келиб, Авазхонга никоҳлаб берилиши воқеаларини ўз ичига олади. Достон 9590-рақамли қўлёммадагина берилган.

“Араб танган”. Мазкур достоннинг ўзак сюжети 9590-рақамли қўлёммада берилган бўлиб, Лакашоҳнинг Араб Райҳон деган юганчиси Гўрўғлини Авжа

¹Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Тошкент: Фан, 1993. – Б.15–18.

тоғида боғлаб, туянинг белига боғлаб олиб кетади. Шунда Авазхон, Болижон ва Сафарқўса билан отланиб, Гўрўғлини озод қилишади. Мазкур достон сюжетининг негизида қадимдан Ўрта Осиё халқлари фольклорида мавжуд бўлган “баҳодирлар кураши” мавзуси ётади. Бу эпик сюжетнинг архетипик намуналари ўзбек халқ эпоси тарихининг сак-массагет қабилалари даврида шаклланган.

“Қирқ минглар”. Бу достонда Лакашоҳнинг Гўрўғлини маҳв қилиш учун қирқ минг лашкар билан юриш қилиши тасвирланган. “Қирқ минглар” достони фақат Хоразм “Гўрўғли” достонлари таркибида мавжуд бўлиб, ушбу эпик сюжет негизида Гўрўғлининг Болибек билан жанги воқеалари туради.

“Авазнинг Ваянгонга кетиши”. Достонда Авазхоннинг Ваянгон шахрига кетиши ва Гўрўғлининг устига қўшин тортиб келиши воқеалари тасвирланган. Достонда Оға Юнус пари тирноғига қараб, Авазхоннинг қўшин билан келаётганлигини билади ва Гўрўғлини хабардор қилади. Бу мотив қадимий тасаввурлар маҳсули бўлиб, халқимизда соч каби тирноқ ҳам магик хусусиятга эга, деб тасаввур қилинган.

“Хирмондали”. Мазкур достон сюжети ўзагини Хирмондалининг куёвликка талабгорлар билан полвонлик ва бахшичиликда куч синашиш воқеалари ташкил этади. Зеро, келин бўладиган қизнинг “куёв билан яккама-якка кураш тушиши Хоразмда яшаган шак (сак) қабилалари урф-одатига алоқадор бўлиб”¹, бу одат паҳлавон қизлар билан боғлиқ эпик сюжетларнинг шаклланишига асос бўлган. “Хирмондали” достони сюжетининг генезиси ўзбек эпоси тарихининг сак-массагет фольклори даврига бориб тақалади. “Хирмондали” достони сюжетининг шаклланиш жараёни уч босқичдан иборат: а) жанговар қизлар ҳақидаги эпик сюжетнинг сак-массагет фольклоридаги талқини; б) исломий агиографик манбалар, оғзаки ҳикоя ва ривоятлар асосида шаклланган Ошиқ Ойдин билан боғлиқ эпик сюжет талқини; в) жалоллийлар билан боғлиқ тарихий воқеаларнинг бадиий тасвирланиши натижасида юзага келган “Гўрўғли” эпик сюжети.

“Аваз моҳитобон” достони. 9590-рақамли қўлёзмада келтирилган бу эпик асар экспозициясига кўра “Хирмондали” достонига ўхшаб кетади. Унга кўра Гуржистон шаҳрида Аваз моҳитобоннинг хусн-жамолда тенги йўқ Гуландом исмли хотини Гўрўғлини таърифини эшитади ва уни хат орқали чақиртириб олади. Мазкур достон эпосшуносликда ҳалигача қайд қилинмаган янги эпик сюжет асосига қурилган.

“Бозиргон” достони. Мазкур достон сюжети асосида оламдаги эзгулик ва ёвузлик кучларининг кураши ҳақидаги дуалистик қарашларга алоқадор мифологик тасаввурлар туради. С.Рўзимбоев достонни эпоснинг озарбайжон версиясидаги “Гўрўғли ва Эрҳасан” достонига ҳамоҳанглигини қайд этади². Достоннинг қўлёзма вариантлари оғзаки вариантларда мавжуд бўлмаган қуйидаги шеър билан бошланган:

¹Толстов С.П. Қадимий Хоразм маданиятини излаб. – Тошкент, 1964. – Б.189.

²Рўзимбоев С. “Бозиргон” достонининг қўлёзма варианты ва унинг бошқа туркий халқлар вариантлари билан ўзаро алоқаси // Адабий мерос. – Тошкент, 1981. – 4-сон. – Б.81–82.

*Бир йигит келмушдур Чамбилбелиндин,
Келиб Гуржистона тушди бир сунний,
Қаландар бўлубон кечди сариндин,
Қиличиндин қонлар сочди бир сунний*¹.

Достоннинг оғзаки вариантларининг барчаси иккинчи шеър “Ғам емагил, Гўзалишоҳим” билан бошланади. Достоннинг 1960 йилда Ж.Абдукаримов томонидан Норбой бахши Қўшекеновдан ёзиб олинган варианты қўлёзма нусхага бирмунча яқин келади. Қўлёзма достондаги эътиборли мотивлардан бири Ойсултоннинг туш кўриши мотивидир: “Бозиргоннинг бир синглиси бор эди, Ойсултон отлиг. Бир кеча туш кўрди. Оғасининг бошига бир қуш қўниб бошини чўқиб, кўзин(и) ўя бошлади”². Ушбу туш мотиви қадимий инончлар орқали шаклланган.

“Кампир” достони. Ғиротнинг ўғирланиши ва уни Гўрўғли томонидан қайтадан қутқариб олиб келиниши сюжети Хоразм достонларида “Кампир”, “Ғиротнинг ўғирланиши” номлари билан юритилади. Эпоснинг озарбайжон версиясида бу сюжет “Ҳамзанинг Ғироти абармаси” деб номланган бўлиб, унда Гўрўғлининг Ғирот ва Дурот номли икки оти борлиги айтилади. Бу халқ достонларидаги қўшалоклаштириш усулининг натижасидир. Қаҳрамоннинг оти мифологик персонажлар томонидан ўғирланиши дунё халқлари эпосининг анъанавий мотивларидан бири бўлиб, ана шу ўғирланган нарса (от ёки қуш) қаҳрамон муҳити учун юзага келган “етишмовчилик”ни бартараф этиш мақсадида эпик қаҳрамоннинг “ўзга олам”га сафари бошланиши учун асос бўлади. Бадиий тафаккур тараққиёти давомида мифологик образлар бажарган бу вазифа кейинчалик антропоморф қиёфали персонажлар зиммасига кўчирилган.

Ушбу бобнинг иккинчи фасли **“Гўрўғли” достонлари шарқий версиясининг қўлёзма нусхалари** деб аталган. “Гўрўғли” достонларининг шарқий тармоғи ўзбек достончилигида ўзига хос катта силсилани ташкил қилган бўлиб, бу фаслнинг **“Нурали” достони қўлёзма нусхаси ва ушбу сюжетнинг шарқий эпик анъанадаги талқини** номли бўлимида “Нурали” достонининг қўлёзма нусхаси илмий тавсиф қилинган. ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архивидаги 1751-инвентарь рақамли қўлёзмада қуйидаги эпик сюжетлар берилган:

1. “Нуралининг тўйи”.

2. “Нуралининг минг йигити билан овга кетиши ва асир тушиши”. Мазкур сюжет озарбайжон версиясининг 1927 йилги тошбосмасидаги ва 1947 йилги нашридаги “Дурна тели” шаҳобчасига ҳамоҳанг келади, бироқ улар бошқа-бошқа достонлардир. Уларни бир достон деб қараш тўғри бўлмайди. Ушбу сюжет Раҳматулла Юсуф ўғлининг “Нуралининг ёшлиги” достонидаги воқеаларга яқин келади³.

¹Проф.С.Рўзимбоев шахсий архивида Ниёзжон Мусаевдан ёзиб олинган қўлёзма. – Б.11

²ЎЗР ФА Шарқшунослик институти фонди. Инв.№9590. – Б.122.

³“Go`ro`g`li”. Aytuvchi Rahmatilla Yusuf o`g`li. Nashrga tayyorlivchilar: To`ra Mirzayev va Zubayda Husainova. – Toshkent, “Sharq”, 2006. – B. 295–307.

3. “Нуралининг чоҳда ётиши ва Аваз уни қутқаришга ҳаракат қилиши” сюжети¹. Шоҳсафид Нуралининг ўлими ҳукмининг ижросини тезлаштиради. Аваз Нуралини қутқаради.

4. “Аваз Нуралини ва биргаликда Гулшарофни олиб қайтиши” сюжети. Қўлёманинг 91-бетидаги матнда узилиш бор. Бизнинг тахминимизча, воқеанинг узилган жойида Авазхон Нурали билан биргаликда душман лашкари билан олишуви воқеалари тасвирланган бўлса керак.

5. “Гўрўғли Шоҳсафиднинг қўшинини тор-мор қилиб, Аваз, Нурали ва Гулшарофни олиб қайтгани ва етти кеча-кундуз тўйлар қилиб муродига етиши” сюжети. Гўрўғли йигитлари билан Шоҳсафидни енгиб, Авазхон, Нурали ва қизни олиб юртига қайтади. Чамбилбелга келиб мурод-мақсадига етади. Достон *“Илоҳо, мўмин бандалар ҳам муродига етсунлар, омин ва раббил оламин. Таммат”*² деган сўзлар билан якунланган.

Нурали эпониими ёқут “Олонхо”сидаги Нюргун ботир³ образи билан ҳамоҳанглик касб этади. Ҳар икки эпонимда ҳам қуёш култи билан боғлиқ “нур” лексемаси мавжудлиги “Нурали” достони сюжетининг генезиси мифологик эпосга бориб тақалишини кўрсатади.

Ушбу фаслнинг **“Холдорхон” достонининг қўлёмна нусхаси ва эпик сюжет тадрижи** номли бўлимида “Гўрўғли” туркумига мансуб “Холдорхон” достонининг ҳозиргача аниқланган икки қўлёмна нусхаси тавсифланган. Улардан бири ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида 8042-инвентарь рақамида сақланади. Қўлёмна “Аҳмад сардор” шаҳобчаси билан бошланади. Достонда Холдорхон салбий образ бўлиб келади. Эргаш Жуманбулбул ўғлидан 1927 йилда ёзиб олинган оғзаки вариантдаги воқеалар эса бошқача бошланади. Ушбу 8042-рақамли қўлёмнада берилган “Холдорхон” достонида иккита шаҳобча, яъни “Аҳмад сардорнинг Чамбилга юриши” ва “Холдорхоннинг босқини” сюжетлари мавжуд бўлиб, ушбу сюжетлар оғзаки вариантларда шаҳобчалар ичига сингдириб юборилган. “Аҳмад сардорнинг бостириб келиши” биринчи сюжети Раҳматулла Юсуф ўғлининг “Аҳмад сардорнинг ўлимга ҳукм этилиши” достонига ҳамоҳанг келади. 1981 йилги нашр вариантынинг композицион тузилиши эса новеллистик эртаклардаги “ҳикоя ичида ҳикоя” услубини эслатади.

Фаслнинг сўнгги бўлимида “Малика Айёр “достонининг ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёмналар фондида сақланаётган 836-рақамли қўлёмна нусхаси таҳлилга тортилган. Қўлёмна достондаги “Ер ости дунёси”даги Торикистон шаҳри, ер устидаги одамлар ва учиб юрувчи дев-парилар дунёси - уч қатламдан иборат дунё ҳақидаги қадимий мифологик тасаввурлар туркий халқларнинг дунёни тушунишдаги қадимий тасаввурларидан биридир⁴.

¹ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№1751. “Нурали” достони. – Б.69.

²Ўша манба. – Б.108.

³Ҳурунгу удуйээн. (Нюргун Боотур стремительный). – Якутск: Дьокускай, 2013. – С.17.

⁴Жураев М. Мифологические основы мотива традиционных “трех дорог” в узбекских народных сказках // Сетевое востоковедение: устные и письменные традиции в контексте межкультурного взаимодействия. – Элиста: Изд-во Калм. ун-та, 2018. – С. 268–270.

Диссертациянинг тўртинчи боби “Гўрўғли” эпоси туркий версияларининг қўлёзма ва тошбосма нусхаларида эпик сюжет эволюцияси” деб аталган бўлиб, унинг илк фасли “Туркман ва уйғур версиялари қўлёзма нусхаларининг оғзаки вариантлар билан қиёсий таҳлили” деб номланган. Маълумки, “Гўрўғли” эпосининг туркман версияси Б.Қарриев, Б.Мамметязов, А.Бекмурадов¹ томонидан ўрганилган бўлса-да, эпоснинг бир қатор қўлёзмалари тадқиқ этилмаган. Туркменистон ФА Қўлёзмалар институти фондида “Хирмондали”, “Бозиргон”, “Бўлубек ва Дўлубек”, “Гўрўғли ва Бўлубей”, “Ойсултон” каби дostonларнинг қўлёзмалари мавжуд.

Туркман “Гўрўғли” эпоси “Хирмондали” шахобчасининг қўлёзмалари оғзаки вариантларга қараганда ҳажман қисқа бўлиб, китобий тилга, яъни XIX асрдаги туркман китобий (адабий) тилига анча яқинлаштирилган. Мазкур “Хирмон пери” дostonининг Махтумқули Қорли ўғли варианты ҳам мавжуд бўлиб, қуйидаги қиёслардан уларнинг фарқларини сезиш мумкин:

*Уч юз алтмыш ашыг бэри барандыр,
Айдышып, йықышып бары олендир,
Ягышы-яман ади сана галандыр,
Алсан несихатым, гитме, Короглы!²*

*Уч юз алтмыш багышы-пэлван барандыр,
Айдышып, йықышып бары олендир,
Индиги аманат сана галандыр,
Алсан несихатым, гитме, Короглы!³*

Махтумқули Қорли ўғлидан 1937 йилда ёзиб олинган дoston ўзида ислом ва миллий қадриятлар билан боғлиқ сўзлар ва тушунчалар мавжудлиги жиҳатидан 2990-инвентарь рақамли қўлёзмага яқин келади.

“Бозиргон” дostonининг туркман қўлёзмасига киритилишига туркман оғзаки версиясининг таъсири катта бўлган. Чунки, туркман версиясида махсус “Бозиргон” шахобчаси мавжуд. Дostonнинг мазмуни туркман версиясининг бошқа вариантларидан унчалик фарқ қилмайди. Фақат айрим образ ва персонажлар номларида фарқлар сезилади. Назаримизда, Ставраполь қўлёзмаларини “Гўрўғли” эпосининг туркман ва озарбайжон версиялари билан қиёсий тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

1074-инвентарь рақамли “Ойсултон” дostonи қўлёзмаси Ойсултоннинг ўз туши таъбирини айтиш лавҳаси билан бошланган. У тушида оғаси Бозиргоннинг бошига қуш қўниб олиб, кўзини ўяётганини кўради. Бошланиши: 1-Б варақ: “Оғасининг бошига қўниб гўзларини ўёр эрди...”⁴. Тугалланиши: 22-А варақ:

¹Карриев Б.А. Эпические сказания о Кероглы у тюркоязычных народов. –М., 1968. – С. 260; Мамедязов Б. Туркменский героический эпос Гороглы. – Ашгабат: “Ылым”, 1992. – С. 232; Бекмурадов А. Гороглынинг излери. – Ашгабат, 1988.

²Туркменистон ФА Қўлёзмалар институти фонди. Инв.№2990. 3-Б варақ.

³Туркменистон ФА Қўлёзмалар институти фонди. Инв.№704. – Б.465.

⁴Туркменистон Р ФА Қўлёзмалар институти фонди. Инв.№1074. 1-Б варақ.

*“Қалъаи Сангир дерлар манинг маконим,
Хуш келибсиз бизнинг манзил макона...”¹.*

Бахшиларнинг маълумотларига кўра, “Бозиргон” достони ҳажман катта ва драматик лавҳаларга тўла бўлганлиги учун аксарият ҳолларда достон икки қисмга бўлиб куйланган.

“Тўрўғли” туркумига мансуб **“Бўлубек ва Дўлубек”** достонининг 2198-инвентарь рақамли қўлёзмаси яхши сақланган бўлиб, бирмунча тўлиқ нусха. Бошланиши яхши сақланган. Охири тугалланмай қолган. Мазмунан Ставраполь нусхаларига яқин туради. 2198-инвентарь рақамли қўлёзманинг бошланиши: *“Айёми замонда Исфаҳон шаҳринда Бўлубек деган бир хон бўлди. Унинг Дўлубек ҳамда Тилибек (Тинибек султон ёки Тўли ботир) иниси бор эрди. Бир овлаб юраркан, Болубеки Дилбар жамол деган аёли динё (инҳо) гулмадук. Гўрўғли деган бир моҳитобон йигит бор, деб ахторуб, (отушуб) туруб гўрмаса-да ашиқ бўлуб бир гун хат ёзди...”².*

Достон сюжети мазмунан ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 9590-инвентарь рақамли қўлёзма таркибидаги “Аваз моҳитобон”³ достонига ҳамоҳанг келади. Бироқ, мазкур достонлардаги воқеаларда асар тарқалган ҳудуд, эпик сюжетдаги қатламнинг ҳар хиллиги ҳамда эпик анъаналарга ёзма адабиёт ва оғзаки ижронинг таъсири билан изоҳланувчи бир қатор ўзига хосликларни кузатиш мумкин.

“Тўрўғли” туркуми достонларининг уйғур версияси маралвешлик мулла Салай котибнинг 1331 ҳижрий 26 жумадул аввалининг душанбаси (милодий тахминан 1915 йиллар) кўчирилган бўлиб, унда қуйидаги сюжетлар берилган: 1) “Тўрўғлининг туғилиши”; 2) “Даниярнинг Аҳмадхоннинг хотини Азимқўзойимнинг суратини кўриб, уни олиб қочиб кетиши”; 3) “Тўрўғли ўн бир ёшида Лайли Қир оти билан Дониёрдан ўч олишга бориши ва Дониёрнинг қизини олиб қочиши; 4) “Тўрўғлининг пирлар билан учрашиши”; 5) “Ҳасанхоннинг келтирилиши”; 6) “Кўҳи Қоф тоғидан Оға Юнус парини олиб келиб уйланиши”; 7) “Авазхоннинг келтирилиши”; 8) “Қорахон ва Холдорхоннинг Гўрўғлининг юртига бостириб келиши ва сардор (Аҳмад сардор)ни асир қилиши”; 9) “Авазнинг арази” шаҳобчасида Авазхоннинг Худак кўлга ўрдак отишга бориши, Аҳмад садорнинг қизи Бўтакўз уни “қул” деб таҳқирлаши, Авазхоннинг Хунхор элига кетиши ва Хунхоршоҳ томонидан банди қилиниши; 10) “Тўрўғлининг зангилар подшоҳи аскарлари билан уруши”.

Эпик қаҳрамоннинг гўрда туғилиши мотиви Ўрта Осиё версияларига ҳам хос бўлиб, уйғур версиясида ҳам унинг таъсири кучли бўлган. Ҳазрат Алининг отбоқари Қамбар вали қабрдаги болани кўриб, гўркашлар орқали Аҳмадхонга хабар беради. Ана шу эпизод талқини Хоразм версиясининг 9590-инвентарь рақамли қўлёзмаси билан бир хилдир. Авазхоннинг келтирилиши”

¹Туркманистон Р ФА Қўлёзмалар институти Қўлёзмалар фонди. Инв.№.1074. 22-А варақ.

²Туркманистон ФА Қўлёзмалар институти фонди. Инв.№2198. 1-А варақ.

³Ўша манба. “Аваз Моҳитобон” достони.

шахобчасидаги “*Ҳали ҳам армонинг борму, қирқ йигит*”¹ шеъри “Ҳикояти Гўрўғли султон”нинг бошида берилган. Бу эса “ўзбек ва уйғур версиялари сюжет жиҳатдан яқинлик касб этишини”² кўрсатади. “Авазнинг арази” шахобчасидаги шеърий парчаларни таққослаганда ўзбек версияси уйғур нусхасига қараганда бадиий жиҳатдан бирмунча мукамаллиги маълум бўлди.

Уйғур қўлёзмасидаги айрим шеърлар “Ҳикояти Гўрўғли султон”даги шеърларга нисбатан бўгин жиҳатидан соддалаштирилган:

*Халқинг эрур фариштадан зиёда,
Юзинг кўрган шоҳлар эрур тиёда,
Ман Хункорга талаб қилиб бораман,
Отажоним бўлинг эмди дуода*³.

*Давлатингдур зиёда,
Душманларинг тиёда,
Хункор шоҳга мен борай,
Ёди айланг дуода*⁴.

Академик Т.Мирзаев “Ҳикояти Гўрўғли султон” достонининг 2012 йилдаги нашри сўзбошисида мазкур достоннинг ўзбек ва қозоқ версияларини қиёслаб, шеърий матнлардаги фарқларни кўрсатган⁵. Демак, Марказий Осиё туркий халқлари, жумладан, “Гўрўғли” эпоси уйғур версияси достонлари қўлёзмалари шарқий ўзбек версияси оғзаки вариантларининг қўлёзма нусхалари асосида вужудга келган.

Тўртинчи бобнинг иккинчи фасли “**Озарбайжон ва турк версиялари тошбосма нусхаларининг оғзаки вариантлар билан қиёсий таҳлили**” деб аталган. Эпоснинг озарбайжон версияси XX асрда М.Ҳ.Тахмасиб, П.Ш.Афандиев, Ф.Қ.Фарҳодов, М.Ҳакимов каби олимлар тарафидан жиддий ўрганилди⁶. XXI асрда эпосни тадқиқ этиш ишлари янада жадаллашди. Хусусан, Ислом Содик, Е.Ҳ.Аббасов, Қ.Умидовларнинг “Гўрўғли” достони озарбайжон версиясининг миллий ўзига хослиги, поэтикаси ва сюжет тизимига бағишланган тадқиқотлари чоп этилди⁷. Озарбайжонда XVIII–XIX асрларда достоннинг қўлёзмалари пайдо бўлган¹.

¹Ўша манба. – Б. 234.

²Райхл К. Тюркский эпос. – М.: Восточная литература, 2008. – С. 217.

³ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. Инв.№953. 38-варақ.

⁴Маралвешлик Мулла Салай котибнинг 1331-ҳижрий 26-жумадул аввалининг душанбаси (милодий тахминан 1915-йиллар) кўчирган қўлёзмаси. 36-варақ.

⁵Ҳикояти Гўрўғли султон. – Тошкент: “Шарқ”, 2012. – Б. 7.

⁶Təhmasib M.H. Koroğlu / Azərbaycan ədəbiyyatı tarixi, I c. – Bakı: Elm, 1960. – S. 463–484; Əfəndiyev P.Ş. Koroğlu-geroicheskii epös Azerbaydžanского народа: Автореф.// дис. канд. фил. наук. – Баку. 1954; Fərhadov F.Q. “Koroğlu” dastanının Zaqafqaziya versiyasına dair // Azərbaycan Şifahi Xalq Ədəbiyyatına dair Tədqiqatlar. III kitab. – Bakı: “Elm”, 1968; Həkimov M.İ. “Koroğlu” dastanında təsvir və ifadə vasitələri // Azərbaycan dili və ədəbiyyat tədrisi jurnalı. – Bakı, 1976. – №4.

⁷İslam Sadiq. Koroğlunun sazı və sözü. Bakı. 2005; Шу муаллиф. “Koroğlu” dastanının Azərbaycan şeirinə poetik təsiri // Azərbaycan Şifahi Xalq Ədəbiyyatına dair Tədqiqatlar. – Bakı. 2013. Sayı XLII, – S. 58–69; Шу муаллиф. “Koroğlu” dastanının Azərbaycan şeirinə poetik təsiri // Folklor və yazılı ədəbiyyat. 1 kitab. – Bakı. 2013. – S. 20–42; Шу муаллиф. Azərbaycan “Koroğlu” eposu (I kitab). Bakı, Elm və təhsil, 2015, – S. 248; Abbasov E.H. Koroğlu: poetik sistemi və strukturu. Bakı. 2008; Umudov Q. «Koroğlu»: epik ənənə və

Бугунги кунда Озарбайжон ФА Қўлёзмалар фондида “Гўрўғли” эпоси кавказ версияларининг куйидаги қўлёзмалари сақланади: 1) Инв.№7715. Маденадаран қўлёзмаси. 53 б – 54 а. 1688 йилда кўчирилган; 2) Инв.№3055. Маденадаран қўлёзмаси; 3) Инв.№8540. Маденадаран қўлёзмаси; 4) 1721 йилда Табризда арман алифбосида ёзилган “Нағмалар китоби” номли қўлёзма китоб². 5) 1831 йилда арман алифбосида кўчирилган қўлёзма; 6) “Эл шоирлари” китоби; 7) 1799 йилда арман алифбосида кўчирилган қўлёзма; 8) Андалиб Гарачадағининг “Шеърлар мажмуаси” XIX аср бошларида кўчирилган қўлёзма; 9) Грузия давлат музейида 7870-инвентарь рақам остида сақланаётган грузин алифбосида кўчирилган нусха; 10) Чалаидзе томонидан кўчирилган нусха³. “Гўрўғли” эпосининг А.Ходзько томонидан Жанубий Озарбайжондан қўлга киритилган қўлёзмаси эпоснинг энг қадимги қўлёзма нусхаси ҳисобланади⁴.

“Гўрўғли” эпосининг 1927 йилда Бокуда тошбосмада чоп этилган озарбайжон версияси ва 1304 ҳижрий (1885 милодий) йилда Истанбулда нашр этилган турк версиясининг тошбосмаси ҳам мавжуд. 1927 йилги Боку тошбосма нашрида куйидаги дostonлар берилган:

1. “Қийротнинг Тўқота қочирилмаси ва Гўрўғлининг Тўқот сафари” дostonи. Дostonда Тўқот подшосининг амри билан Ғиротнинг Ҳамза (Ҳамзанинг 2-номи “Кал ўғлон”дир) томонидан ўғирланиш сюжети берилган. Китоб умумтуркий тилда нашр қилинган. Ушбу нашрдаги шеърлар бадий жиҳатдан анча пишиқ. Масалан:

*Утан, қўч Кўрўғли Утан,
Ниар ўлар тәрки ватан,
Гəдадан беклика етйən,
Элин қадрини нə билир⁵.*

*Утан, гоч Короглу утан,
Дағларин дамəнин тутан,
Сəнин кими баша чатан,
Елин гəдрини нə билир⁶.*

qəhrəman tipologiyası // «Ortaq türk keçmişindən ortaqlar gələcəyinə» V Uluslararası Folklor Konfransının materialları. Bakı: Səda, 2007, – S. 477–484.

¹Əliyeva D. «Koroğlu»nun yeni əlyazma nüsxəsi // Azərbaycan. – Bakı, 1990. №3. – S. 133– S.146; Abbaslı İ.İ. Azərbaycan dastanlarının yayılması və təsiri məsələləri. – Bakı: “Nurlan”, 2007. – S. 272.; Шу муаллиф. Ön söz / Koroğlu. Paris nüsxəsi (çapa hazırlayanı İ.Abbaslı). – Bakı: “Ozan”, 1997. – S. 4–10; Шу муаллиф. Erməni əlifbası ilə yazıya alınmış (toplanmış) Azərbaycan dastanları və dastan şeirləri // Azərbaycan şifahi xalq ədəbiyyatına dair tədqiqlər. – VII kitab. – Bakı: “Elm”, 1987. – S. 39–79; Koroğlu. Bakı əlyazmaları / Çapa hazırlayan Ə.Məmmədbağiroğlu. – Bakı: “Nurlan”, 2010. – S. 88.

²1721 йилда Табризда арман алифбосида ёзилган “Нағмалар китоби” қўлёзмаси. АЗР ЕА 5426-инв. рақамли қўлёзма.

³АЗР ЕА 7746-инв. рақамли қўлёзма.

⁴Abbaslı İ.İ. Ön söz / Koroğlu. Paris nüsxəsi (çapa hazırlayanı İ.Abbaslı). – Bakı: Ozan, 1997. –S. 4–10.

⁵Кўрўғли. – Боку: Озарбайжон Илмий жамияти нашриёти, 1927. – Саҳ. 65.

⁶Кўрўғли. – Боку: Озарбайжон Илмий жамияти нашриёти, 1959. – Саҳ. 188.

2. “Гўрўғлининг Бағдод сафари” достони. Ушбу достон 1959 йилги Боку ва 2008 йилги Москва нашрларида “Дурна тели” деб номланади. Авазнинг ўрдак, турна, оққуш отиб келиш сюжети барча версияларда берилган. Мазкур шаҳобчанинг вужудга келишида халқнинг қуш культига доир зоомифологик қарашлари ҳам муайян роль ўйнаганлигини кўрсатади. Ушбу достон ҳам умумтуркий тилда, араб имлосида чоп қилинган.

“Кўрўғли” достони турк версиясининг 1885 йилги Истанбул тошбосма нусхаси Истанбулда босилган бўлиб, унга “Машхур Кўрўғли ҳикоси” деб ном қўйилган. Тошбосмада эпос шаҳобчалари ихчамлаштирилган ёки ўзаро қўшиб юборилган. Бироқ, ўзак, асос сюжетлар сақланган. Тошбосма анъанавий тарзда: *“Ровиёни ахбор ва ноқилони осор ва муҳаддисони рўзгор шўйла ривоят эдарларки, замони собиқда Бўли шаҳринда бир дарабеги (деребейи) вор эди, Бўли қазосина ҳукм эдар эди...”*¹. Ўғлон Бўли шаҳрига келиб, Чамлибел деган жойга чодир қурдирди. Кўрўғли: *“Шурада бир қалъа ёпсам”, дейу тоғлар киби тош тўплади*².

Истанбул тошбосмасида шундан сўнг ўзбек версиясидаги “Кампир”, озарбайжон версиясидаги “Ҳамзанинг Ғиротни олиб қочмаси” достонларидаги воқеалар тасвирланади. Кўрўғли ҳеч қандай сеҳр-жодусиз ўз қиёфасини ўзгартириш орқали Бўлу бекларидан Қийротни олиб қайтади³. Кўрўғли шу келишда савдо қарвонини ва Бозиргонбошини кўради. Кўрўғли *“Бозиргонбоши йўл божини йиборсун”*, деб одам юборади. Бозиргонбоши аввал қулоқ солмайди⁴. Лекин, Бозиргонбоши жуда ҳам сахий бўлиб, у Кўрўғлига сўраганидан ҳам зиёда бож беради ва улар дўстлашадилар. Кейинги сюжет Кўрўғлининг ўғли билан топишиши бўлиб, достоннинг бошқа миллий версияларидан фарқли равишда, Истанбул тошбосмасида Кўрўғлининг фарзандли бўлганлиги ҳикоя қилинади. Кўрўғли уйланиб, яна олиб кетишни ваъда қилиб қолдириб қайтган хотинидан ўғил туғилади ва унга “Ҳасан” деб исм қўядилар. Кўрўғли Ҳасанхоннинг онасига туғилмасидан олдин “бозубанд ва қамчи” қолдириб кетган бўлади. Ушбу эпик сюжет ўзбек “Гўрўғли”сидаги Ҳасанхон шаҳобчасида ҳам сақланган. Бу версияларнинг мазмун ва сюжети бир-бирига жуда ҳам яқин келади.

Диссертациянинг бешинчи боби **“Гўрўғли” эпоси қўлёзмалари поэтикаси**” деб аталган. Унинг илк фасли **“Гўрўғли” достонлари қўлёзма нусхаларининг бадиий хусусиятлари**” деб номланган. “Гўрўғли” эпоси қўлёзма вариантларининг бадиияти оғзаки вариантлардан жиҳатлари билан фарқ қилади. Чунки, бу вариантлар ёзувга кўчирилганда уларни кўчирган котиблар достонларни ўша давр адабий тилига бирмунча мослаб таҳрир қилганлар. Демак, ушбу достонлар қачон ёзувга кўчирилганидан қатъий назар ўша давр халқ тили бойликларини, шева хусусиятларини ўзида муайян даражада акс эттиради.

¹ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фонди. Инв.№11435. 3-саҳифа.

²Ўша манба. – Б. 3.

³Ўша манба. – Б. 8.

⁴Ўша манба. – Б. 10.

“Гўрўғли” дostonларида унинг бадий қимматини белгиловчи бир қанча элементлар қўлланилган. Аввало, дostonлар учун анъанавий андоза ҳисобланган назм ва наср баёни дostonнинг ифодаланиши шаклидир. Дostonда насрий қисм воқеалар баёнида, унинг ривожда, қаҳрамонлар портретини чизишда, характерлар яратишда бадийликни белгиловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади ва дoston тасвирийлиги, таъсирчанлиги, образлилиги ва ифодалилигини яратишда шеърӣ қисмлар билан тенг аҳамият касб этган. Таъсирчанлик воқеалар тасвирида лексик воситалардан унумли фойдаланиш натижасида юзага келади. Шундай воситалардан омоним ва антонимларни келтириш мумкин:

<i>Чин ошиқман <u>Хўбнишона</u>, Ҳамманга оллоёр эмди. Биза бердинг <u>хўб нишона</u>, Ҳар на тиласанг тайёр эмди¹.</i>	}	омоним
--	---	--------

*Кўп севарман, Хўпнишон, сени,
 Ҳаммага алиёр энди.
 Манго бердинг Гулрухсорни,
 Не тиласанг тайёр энди².*

Халқ дostonлари таркибида ўзига хос бир бадий тизимни ташкил этган ва эпоснинг баён услубини белгилаб берувчи бадий ифода воситаларидан бири – бу эпик қолиплар ва анъанавий формулалардир. Бу элементлар бадиҳағўй-бахшилар учун асарни ижодий ижро этиш жараёнида таянч ролини ўтайди. Эпик қолип ва анъанавий формулалар – от таърифи, пойга тавсифи, сафарга отланган қаҳрамонга ота ёки онанинг насиҳати, жанг олдидаги фаҳрия ва мақтаниш каби эпизодлар доимий ўринларда ишлатилиб, дostonчиликда муҳим ўрин тутаяди. Гўрўғлининг жанг қилиш тасвири “Гўрўғли” туркумининг жанг эпизодлари учун муштарак тасвир ҳисобланади:

*Гўрўғлихон шердай бўлиб,
 Боқирар майдон ичинда³.*

“Гўрўғли” дostonларида асарнинг бадий қимматини белгилаш, унинг эмоционаллигини оширишда стилистик воситалардан ҳам фойдаланилган: “*Ингранур майдонда шерлар*”, “*Остимда гийротим ўйнар юз алвон*”, “*Оққуш учар ойдин чолқор кўлларда*”, “*Ингранур майдонда шерлар*” ва ҳ.к.

Диссертацияда “Гўрўғли” дostonларининг қўлёзма ва тошбосмаларидаги ўхшатиш, муболаға, рамз, литота, сифатлаш ва интерпретация каби поэтик воситаларнинг бадий талқини таҳлил қилинган.

Асарда интонацион воситалар ҳам ишлатилган бўлиб, шулардан бири – инверсиядир. Инверсия гапдаги сўзларнинг одатдаги ўрнини ўзгартириш демакдир. Бундан асосий мақсад асосий фикрни биринчи планга чиқаришдир:

¹ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. Инв.№9590. – Б. 48.

²Гўрўғли. Хоразм дostonлари. Нашрга тайёрловчилар: С.Рўзимбоев, Х.Рўзимбоев, Г.Эшчанова. Урганч. 2004. – Б. 115.

³“Гўрўғли султон”. 1911 йилги Қозон тошбосмаси. – Б. 34.

“...бурни оззи отасининг гўридан баччагарни”, “...Анда Гўрўгли ҳам ...танҳо ўзи урушиб, у ён, бу ён сурушуб, зўрлиқини билдуруб”. “Гўрўгли” достонлари қўлёзмаларида икки, уч, тўрт, беш, олти мисрали шеърий шакллар учрайди. Лекин кўпчилик ўринларда, фикр, туйғу-кечинмалар тўртлик шаклидаги шеърий бандлардан фойдаланилган. Шунингдек, халқ достонларининг айрим шеърий мисраларини мумтоз адабиётдаги машҳур шеърий тизимлардан бири бўлмиш арузий вазнда эканлиги аниқланган.

Бешинчи бобнинг иккинчи фасли “**Халқ достонлари қўлёзмаларида ёзма адабий анъана таъсири**” деб аталган. Халқ оғзаки ижоди ёзма адабиётнинг шаклланишида, шунингдек ўз навбатида, ёзма адабиёт ҳам халқ оғзаки ижодининг ривожига муҳим роль ўйнаган. Жумладан, бахшилар репертуарида автобиографик мавзудаги “Кунларим” термаси кўплаб шоирларга, жумладан, Махтумқули ижодига ҳам сезиларли таъсир кўрсатган.

Шоирнинг таржимаи ҳол тарзидаги “Кунларим” фахрияси Хоразм “Гўрўгли” достонларининг оғзаки вариантлари ва улар асосида кўчирилган қўлёзма нусхалар билан жуда яқинлик касб этади. Айрим бандлар эса айнан бир хил. Ушбу шеър Махтумқули ижодига мансублиги ёки халқ томонидан ижод қилинганини аниқлаб олиш жуда мушкул:

*Докуз ай ятмышам энем гарнында,
Гоз ачып дунёге душен гунлерим.
Дорт аяга гездим энем элинде,
Секиз айда хем гулушен гунлерим¹.*

*Кўноқ тушиб тириларнинг қавминда,
Ҳақ жон бериб қиймилдаган кунларим.
Тўққиз ойлаб ётибман онам қорнинда,
Кўзим очиб ерга тушан кунларим².*

“Гўрўгли” достонларининг ЎЗР ФА Шарқшунослик институти фондида сақланаётган 9590–инв. рақамли қўлёзмасида ҳам ушбу мисралар достоннинг оғзаки вариантыга тўғри келди. (“Гўрўгли ва Мустафобек” достонида берилган):

*Кўноқ тушиб тириларнинг ёнинда,
Ҳақ жон берди қиймилдашган кунларим.
Тўққиз ойлаб ётиб онам қорнинда,
Кўз очиб дунёга келан кунларим³.*

Махтумқулининг шеърида шоирнинг ўз услуби доирасида чуқур мушоҳадалар келтирилган. Гўрўглида эса қаҳрамоннинг Махтумқулидан фарқли равишда ўз кучига, реал ҳаётга интилиш тамойиллари сезилиб туради.

¹Мағтымгулы. – Ашгабад: Туркменистан Ўлимлар академияси, “Ўлим”, 1952. – Б.520.

²Гўрўгли. Хоразм достонлари. Нашрга тайёрловчилар: С.Рўзимбоев, Х.Рўзимбоев, Г.Эшчанова. Урганч. 2004. – Б.446.

³ЎЗР ФА Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фонди. Инв.№9590. – Б.100.

Демак, Махтумқулининг “Кунларим” фахриясининг юзага келишида халқ дostonларидан илҳомланиш ёрқин намоён бўлади.

ХУЛОСА

Диссертацияда “Тўрўғли” туркуми дostonларининг оғзаки ва қўлёзма нусхаларини қиёсий ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. “Тўрўғли” эпосининг Шарқий – Ўрта Осиё ҳудудида ҳамда Ғарбий – Кавказ ва Яқин Шарқда оғзаки ва қўлёзма вариантларининг пайдо бўлиши, тарқалиши, қўлёзма ва тошбосма нусхалари ёйилиши бевосита шарқий ҳудудда Ўзбекистон ҳамда ғарбда Озарбайжон версияларига бориб боғланади. Дoston пайдо бўлган ва босқичма-босқич ривожланган даврлардаги барча жараёнлар дoston сюжети ва воқеалар талқинида ўз изини қолдириб, ижрочиларининг бадиий иқтидори билан ўзига хослик касб этган. Бу мураккаб жараён эпоснинг барча версия ва вариантлари ҳамда қўлёзма ва тошбосма нусхаларида ўз аксини топган.

